

САНЖАР ХҮЖА

# ҚАДАМ

*Мақсад, йўл, муваффақият*

«ЁШ КУЧ»  
Тошкент  
2020

**УЎК: 159.923**

**КБК: 88.53**

**С -30**

Қадам: мақсад, йўл, муваффақият / Оммабоп нашр.  
Санжар Хўжа. Тошкент: Ёш куч, 2020. – 148 б.

ISBN 978-9943-5738-5-7

«Қадам» – шунчаки тавсия ёки таржима асар эмас, у том маънода бир инсоннинг «мен»ини топгунгача бўлган узун ва машаққатли йўлнинг тафсилоти, рўбару келингдан ҳолатларни изоҳловчи ҳаётий фактлар ҳамда мисоллар йиғиндисидир.

Агар сиз бугун ўзингизни ўзгартирмоқчи ёки қайси-дир мақсадингизга эришмоқчи бўлсангиз, ишни ушбу китоб мутолаасидан бошланг. Ишонамизки, кўнглингизнинг қайси-дир бурчагидаги яширин саволларга жавоб топасиз. Қачондир тўқнаш келганингиз ва қайси-дир сабаб билан сизни чекинишга мажбур қилган муаммо кўз олдингизда бўй кўрсатади. Билмаган нарсаларни айлан-ниб ўтишмас, ўрганиб, муаммоларни ҳал қилиб, кейинги мақсад сари олға юришнинг пайти келди. Ишонинг!

Китоб ёзиш, аслида жуда масъулиятли истак. Агар у инсоннинг ўзлигини тафтиш қилиш, руҳлантиришга йўналтирилган бўлса, янада кўпроқ масъулият юклайди. Муаллиф билимдан ташқари ҳаётий тажриба, синалган муваффақиятли ўсуллар асосида фикрларини баён қилиши китоб қимматини янада оширади. Ушбу китоб муаллифи масъулиятни қанчалик ҳис қилди – бу ҳақда мутолаадан кейин гаплашамиз.

ISBN 978-9943-5738-5-7

© Санжар Хўжа, «Қадам», 2020.

© «Ёш куч», 2020.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	7
Қадам.....	11
Орзуларингиз .....	14
Яшашдан мақсадингиз .....	20
Қадриятларингиз .....	44
Мақсадларингиз .....	51
Ижобий фикрлаш.....	77
Шахсият .....	93
Ижодкорлик ва ихтирочилик .....	107
Матонат .....	120
Хотима .....	141



## *Муқаддима ўрнида*

*Ада, ойи!*

*Айни дамда сизга мурожаат қилишимнинг сабаби бор. Кўнглимдан кечган гапларни ўзингизга айттолмасман, аммо қоғозга туширгим келди...*

*Илгари бирор қийинчилик ё муаммога дуч келсам ич-ичимдан эзилардим. Тенгдошларим, дўстларимга оиласи томонидан кўрсатилаётган эътибор, имкониятларни кўриб ўксинардим. Айниқса, улар мен эришаётган ютуқларнинг кичик бир қисмига эришиб, яқинларидан рағбатини кўришса, қалбим қаттиқ оғрир эди. Буни баъзан сизларга билдирганман, баъзиларини эса яширганман...*

*Энди эса улғайдим.*

*Бугун сизлардан жуда миннатдорман!*

*Яшаш учун курашда, ҳаётда ўрнимни топишмада, ўз кучим билан оёққа тура олишимда, ўз фикр ва дунёқарашиб гэга бўлишимда сизларнинг хизматингиз жуда катта экан.*

*Балки ўша пайтларда ҳамма шароитни яратиб берганингизда бугун мен ҳаётимда ҳеч нарсага эришолмаган ва эҳтимол, бу китобни ҳам ёзолмаган бўлардим... Аслида, гапларим кўп эди, ҳаммасини айтишим шарт ҳам эмасдир. Мени тушундингиз деб умид қиламан! Факат Сизларга таъзим билан*

*раҳмат дейман!*



## КИРИШ

---

Хозир ўттиз бир ёшдаман. Ёзувчилик касбим эмас. Ноширикдан ҳам узоқман. Ушбу китоб дунё юзини күриши эса, тасодиф. Дўстларим, мени яқиндан таниган-билган инсонларим доим бошимдан ўтказган күнларим ҳақида китоб ёзишим кераклигини айтишарди. Ўйлаб қолдим, дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз ҳикояси бор. Шунинг учун ҳаёт ҳақидаги қарашларимни, фикрларимни, кузатишларимни қоғозга тўкиб, сизларга тақдим қилмоқдаман.

Ўлим тўшагида ётган ёши улуғ инсоннинг атрофига йиғилган фарзанд ва набираларига айтган сўнгги сўзи шундай бўлибди:

– Ёш ва куч-қувватга тўлган вақтимда, дунёни ўзгартиришни ният қиласр эдим. Ёшим улғайиб, соchlаримга оқ тушганида, бутун оламни ўзгартиrolmasligimni tushundim. Шунда, ниятимни бироз кичрайтириб, Ватанимда ўзгаришлар қилишни ният қилдим. Лекин бу ҳам осон эмаслигини тушундим. Қариган чоғимда, бор қувва-

тимни оиласынан үзгартыришга сафарбар қилдим. Лекин, ағасының, буни ҳам эплөмадым. Мана, ҳозир үлім түшагида ётиб, түшүндимки, дастлаб үзимдеги камчиликтарымни тузатиб, үзимни үзгартырғанимда әди, үрнак бўлиб оиласын ҳам үзгаришига сабаб бўлардим. Оиласындан оладиган илҳом ва шижаот билан Ватанимга ҳам кўпгина фойдам тегарди. Ким билсин, балки дунёни ҳам үзгартирған бўлардим.

Ҳаммамиз ҳаётдаги турли адолатсизлиги оқибатсизликтарни кўриб, баъзан одамларни үзгартыришга ҳаракат қиласиз. Хато ва камчиликтаримиз кўп бўлса-да, тузатишни аввал үзимиздан бошламаганимиз учун ҳаракатларимиз бефойдалигидан дунёларга сиғмай қоласиз. Бу дунё бир боқقا ўхшайди. Бу боқقا бугунгача бизга ўхшаш миллиардлаб инсонлар кириб, айланыб, кейин чиқиб кетишган. Кимdir узоқ қолган, кимdir эса оз. Кимdir мевасидан баҳраманд бўлган бўлса, кимлардир дараҳт эккан. Яна кимлардир дараҳтларни кесган. Баъзилар ўзи хоҳлаган мевани тополмай, армонда кетган.

Бугун эса бу боғда сизу биз бормиз!

Боғни бузамизми ёки обод қиласизми?

Олдимиздаги неъматларни қадрлаймизми ёки узоқларда сароб бўлиб кўринган мевалар ортидан югуриб, умримизни бесамар ўтказамизми?

Балки шох-шабба, тиканлар сизга азият етка-зишидан хавотирда бўлсангиз керак.

Бу боқقا кирганимизда ҳаммамизнинг шарт-шароитимиз турлича эди. Кимдир бой, кимдир фақир, кимдир шаҳарда бўлса, яна кимдир қишлоқда истиқомат қилади. Боғдан чиқаётганда эса ҳамманинг шарт-шароити бир хил бўлади. Боқقا кираётгандаги шарт-шароитни сиз белгилолмайсиз. Лекин ҳаётингиз давомини белгилаш ўз қўлингизда. Сиз атрофингиздаги имкониятлари кенг инсонлардан ҳам юқори натижаларга, муваффақиятларга эришишингиз мумкин. Фақат олдин бунга ўзингиз ишонишингиз керак. Ишончингиз суст бўлса, оптимист бўлмасангиз кенг имкониятлар ичида ҳам турли баҳоналарга кўмилиб ўтиришингиз мумкин.

Сиз билан айнан шу, яъни сиз ва сизнинг имкониятларингиз, иқтидорингиз ҳақида суҳбатлашиб ниятидаман ва бу китоб орқали ҳаёт йўлингиз учун тамал тоши қўйишишингизда кўмаклашмоқчиман. Унутманг, бу дунё боғида ёлғиз эмассиз, мен ҳам сиз билан биргаман, менинг суҳбатдош дўстим!

*Самимијат билан,  
Муаллиф*



## ҚАДАМ

---

Сиз билан ҳозир оддий тажриба ўтказамиз. Чап томондаги бўш саҳифа устига қўлингизни қўйиб, қалам билан кафтингиз шаклини чизинг. Кейин эса чизилган беш бармоқ ичига алоҳида-алоҳида саволлар ёзиб чиқамиз. Балки бу саволларни олдин ўзингизга бериб кўрмагандирсиз, лекин, улар ҳар бир инсон ҳаётидаги муҳим саволлардир. Агар сиз бу саволларга чин юракдан ва холис жавоб бера олсангиз китоб ўз мақсадига эришган, сиз яшашдан мақсадингизни белгилаб олган, ўзингизга ишончингиз ортган, қизиқарли ва мазмунли ҳаёт режангизни тузган бўласиз. Қандай қилиб дейсизми, ҳозир ҳаммасини тушунтираман.

Бармоқ ичига қўйидаги саволларни ёзинг:

**1-бошбармоққа: Мен кимман?**

**2-кўрсаткич бармоққа: Нима хоҳлайман?**

**3-ўрта бармоққа: Мақсадларим нима?**

**4-номсиз бармоққа: Нима қилишим керак?**

**5-жимжилоқ бармоққа: Нима учун?**

Үқиши, олийгоҳларни битиргач, деярли ҳаммамизниң олдимизда түрли саволлар күндаланғ бўла бошлайди: «Нима қилиши билмай қолдим, қайси қасбни танласам экан?», «Үқиши давом эттирайинми?», «Қайси соҳа бўйича кетганим маъқул?»

Хуллас, келажагимиз билан боғлиқ қарорлар чиқаришда иккиланиб қоламиз. Аслида, келажак ҳаётимизни танлаш унчалик қийин эмас. Агар бу борада қийналаётган бўлсангиз, билингки, ўзингизни етарли даражада танимагансиз. Сизда ҳаётингиз билан боғлиқ қийиндеқ туюлган қарорларни осонлаштирувчи учта асосий йўналиш бор. Сиз, аввало, ularни яхшилаб билиб олинг.

- *Орзуларингиз*
- *Яшашдан мақсадингиз*
- *Қадриятларингиз*

Бу уч қоида ҳаётингиз мазмунли кечишига хизмат қиласи. Агарда келажақдаги орзуларингизни, яшашдан мақсадингизни ва қадриятларингизни аниқ билмасангиз, умр йўлингиз ҳам оддий, зерикарли, мазмунсиз бўлиб қолаверади.

*Муваффақиятларим – ёшлигимдаги  
орзуларимнинг бир маҳсулидир.*

**Наполеон Бонапарт**

## ОРЗУЛАРИНГИЗ

---

*Дунё бугунгача күрган катта  
ютуқлар аввал бир орзу-хаёл эди. Энг  
баҳайбат чинорлар ҳам аввал кичик  
бир қаламча, энг катта қушлар эса  
оддий тухумлар бўлган.*

**Жеймс Аллен**

Келажак орзуларингиз – ёлғиз қолганингизда мудом ўйладиган, бошқаларга айтолмайдиган ва доим шаклланиб, такомиллашиб борувчи хаёлларингиздир. Бу ҳаётда ҳамма орзуларга эришишингиз шарт эмас. Гапим сизга ғалати туйилиши мумкин. Чунки жуда кўп маротаба «Орзуларингга эриш ва баҳтли бўл», деган гапларни эшитгансиз. Аслида ундан ҳамма орзуларга эришиш ҳам ҳаётингизни зерикарли қилиб қўяди. Яшаш завқини йўқотгач, кўнгилни хуш қилишга эрмак воситалар қидира бошлайсиз. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида қийинчилклар билан пишиб боради. Чунки умримиз турли синовларга тўла. Орзулар эса умр йўлимиздаги қоронғи жойларни ёритиб туради. Агар ҳеч қандай орзунингиз бўлмаса, зулмат ичи-

да қолиб ўзингизни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Орзуларни осмонингиздаги юлдузлар деб билинг. Юлдузларни қўлингиз билан тутолмайсиз, аммо улар тунлари йўлчи юлдуз вазифасини ўтаб, ҳаётингизни ёритиб туради.

*Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларидан келажакда ким бўлмоқчи эканликлари ҳақида сўради ва ҳар кимни орзусига қараб баҳолашини айтди.*

– Нодира, сен катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

– Мен шифокор бўлиб, болаларни даволамоқчиман.

– Сенга беш баҳо. Сардор, сен қайси касбни танладинг?

– Мен банкир бўлмоқчиман. Кўп пулим бўлишини хоҳлайман.

– Яхши. Сенга тўрт баҳо. Шерзод, сен ким бўлмоқчисан катта бўлганингда?

– Мен катта-катта завод-фабрикаларнинг эгаси бўлиб, минг-минглаб одамларни иш билан таъминламоқчиман. Кўп турли нарсалар ишлаб чиқариб, бутун дунёга сотмоқчиман.

Синфдаги болалар кулишибди. Ўқитувчи эса:

– Сенга уч баҳо. Дарс тугагунча, тузукроқ касбни орзу қилолсанг, сенга ҳам беш баҳо қўяман, – дебди.

Дарс тугашига оз қолганда, Шерзод ўқитувчига дебди:

– Устоз, майли, менга уч баҳо қўяверинг.  
Мен орзуимдан воз кечмайман.

Ўқитувчи табассум билан жавоб берибди:

– Шерзод, орзунгдан ҳеч қачон воз кечма,  
ва албатта, унга эришгин. Мен сенинг қатъи-  
ятингни синаган эдим. Баҳойинг беш!

Орзуларингизни чегараламанг. Аксинча,  
уларни турли хаёллар билан бойитинг. Ҳар бир  
инсоннинг орзулари унинг савиясини белгилайди.  
Орзуларингизнинг баланд ва катталиги ке-  
лажакка нисбатан муносабатингиз ва дунёқара-  
шингиз кенглигига боғлиқдир.

Узоқ яйловларда қўйларини ўтлатиб юр-  
ган чўпондан сўрашибди: «Пулингиз кўп бўлса  
нима қиласдингиз?»

Чўпон айтибди: «Барра кўк пиёз билан иссиқ  
ширмой нон ердим».

Ёнидаги бошқа бир чўпондан айни саволни  
сўрашибди. Чўпон: «Бу дўстим айтганидан ях-  
широқ яна нима бор?!» деган экан.

Баъзан катта-катта орзулар қилиш учун икки-  
ланишингиз ва ҳатто чўчишингиз мумкин. Сиз ўз  
куч-қувватингизни қўрқув ва хавотирларга эмас,  
орзуларингизни рўёбга чиқариш ва уларни амал-  
га ошириш учун сарфланг, яна ва яна ўз устингиз-

да ишланг. Билим ва қобилиятларингизни шакллантиринг. Ҳаёт ҳақида тажриба орттиринг.

Унутманг, орзуларингиз ҳаётдаги мақсадларингиз эмас.

Мақсадларга эришиш шарт. Орзулар эса ҳаётингизнинг бир ерида доим нур сочиб турсин!

Орзу қилишда биргина қоида бор: у ҳам бўлса фақатгина сизнинг ишончингиздир. Орзуларингиз ҳақида бошқаларга – оила аъзоларингизга, яқин дўстингизга ҳам айтганингизда улар кулиши мумкин. Аҳамият берманг, ўз орзуларингизга ишонинг. Инсон қанчалик орзу қилар экан, шунча вақт яшайди. Орзу қилиш тўхтаганда, ҳаётда вақт тўхтаб, унинг мазмуни ва маъноси йўқолади.

*Ота икки фарзанди – қизи ва ўғли билан ўрмонда кетиб борарди. Бироз юришгач, ўғли хархаша қила бошлабди:*

– Отажон, чарчадим, илтимос, мени кўтариб олинг.

*Ота эса юришдан тўхтамай:*

– Ўғлим, сени кўтаролмайман, чунки мен ҳам чарчадим, – деб жавоб берибди.

Орзуларингизни маҳкам тутиб унга боғланинг. Агар орзуларингиздан воз кечсангиз, қаноти синиб, учолмай қолган қушга ўхшаб қоласиз.

**Ленгстон Хюз**

*Бола бу гапдан хафа бўлиб, йиғлай бошлабди.*

*Ота жимгина тўхтабди. Ёнидаги қуриган дараҳтнинг бир шохини кесиб, пичоқ билан текислабди-да, уни ўғлига узатибди:*

*– Ол, ўғлим, мана сенга чиройли учқур от.*

*Боланинг қувончдан кўзлари чақнабди.*

*Хурсандчилиги ичига сиғмай, чаққонлик билан «от»га миниб, «Чуҳ, тулпорим, чуҳ», деб югурга бошлабди.*

*Ота бу воқеани ажабланиб кузатаётган қизалоғининг бошини силаганча, шундай дебди:*

*– Ҳаёт шунақа, қизим. Баъзан жуда чарчаганингда, яшашга, сени ҳаракатга ундаидиган бошиқа воситалар қидирасан...*

Сиз ўз орзуларингизни кенгайтиринг ва үнга доим ишонинг. Чунки, ҳақиқий ишонч бу – кўринмаганига, мавҳум нарсага ишонишдир. Агарда сиз кўринмаганига ишонсангиз, ҳаётда бошқаларга маълум бўлмаган кўп нарсаларни кўрасиз.



## **ЯШАШДАН МАҚСАДИНГИЗ**

---

*Энг муҳими – ҳаётингиздаги йиллар  
эмас, шу йиллар ичида ўтган ҳаётдир.*  
**Авраам Линcoln**

Ғарб давлатларида инсонларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Бу масала бўйича изланиш олиб борган тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўз жонига қасд қилганларнинг деярли ҳаммаси моддий шароити яхши, даромади юқори, таълим савияси юксак инсонлар экан. Ўз жонига қасд қилганларнинг барчасида бир сабаб устун, яъни улар ҳаётдаги мақсадларини йўқотиши оқибатида ўлимни мақбул чора сифатида танлашган.

Бизнинг орамизда ҳам ўз олдига яшаш учун аниқ мақсад қўя олмаганлар кўп. Ҳаётимиздаги асосий муаммоларнинг сабаби ҳам балки шундандир. Чунки айнан мақсад яшаш учун куч беради. Олдинга интилишимизда далда бўлади. Йиқилганимизда қўлимиздан тутади.

*Бир куни ўрмондаги ҳашаротлар елкасига сафар тугунчасини осиб йўлда кетаётган чумолини кўриб қолишибди. Ундан сўрашибди:*

– Йўл бўлсин чумоливой, қаерга кетяпсан?

– Маккага кетяпман, Ҳаж қилмоқчиман, –  
деб жавоб берибди чумоли.

Буни эшишган ҳашароту ҳайвонлар қаҳ-қаҳ  
отиб кулиб, шундай дебди:

– Ҳа, ўзинг кичкинагина бўлсанг, йўл эса узоқ.  
Сувсизликдан, очликдан ўлиб кетасан-ку.

Чумоли эса пинагини бузмай, йўлида давом  
этаркан, қатъий равишда:

– Албатта етиб бораман, мабодо ўлсам  
ҳам шу йўлда ўлган бўламан, – дебди.

Яшашдан мақсад шуки, уни белгилайсиз ва то  
охирги нафасингизгача шу мақсад йўлида қатъ-  
ий давом этасиз. «Яшашдан мақсад қандай бў-  
лиши керак?» деб ўйловчилар кўп. Аслида, ҳеч  
ким сизга ҳаётдаги мақсадингизни белгилаб бе-  
ролмайди. Боиси, ҳар кимнинг мақсади турлича  
ва ҳар ким ўзига хос ва ўзига мос қилиб белгила-  
ши керак. Асосийси, сизда эзгуликлар ва яхши-  
ликлар билан суғорилган яшаш мақсади бўлсин.

Бундай мақсад сизни ва ҳаётингизни қадрли  
қиласди, кўзларингиз порлаб туради. Ана шун-  
да умрингиз мазмунли бўлади. Кўплаб инсон-  
ларнинг ўзини баҳтсиз ҳис қилиши сабаби ҳам  
айнан яшаш мақсадининг йўқлигига! Ҳоҳла-  
сангиз, кўчага чиқиб, одамларга назар ташланг.  
Кўзлари учқундай ёниб турувчи инсонларни уч-  
ратармикинсиз?

Кунларнинг бирида ўрмонга ўт кетибди. Ҳамма жониворлар ёнғиндан қоча бошлабди. Лекин бир чумчук ўрмон яқинидаги кўлдан тумшуғида сув олиб келиб ёнаётган дараҳтлар устига сепармиш. Қочаётган ҳайвонлар чумчукқа қараб:

– Ҳой, қушча, нималар қиляпсан, тўкаётган сувинг нимагаям яради, юр биз билан, – дейишганида, чумчук уларга қараб:

– Ўрмонимиз ёняпти, менинг эса қила оладиганим фақат шу, оз бўлса-да оловни ўчиришга ҳисса қўшишидир, – дебди.

Яшаш мақсадини узундан-узун жумлалар, баландпарвоз гаплар билан белгилаш шарт эмас. Балки қисқа, лўнда, аниқ ифодаланган яшаш мақсади бўлса, кифоя. Албатта, ҳар ким ўз олдига турлича мақсадлар қўяди. Кимдир Ватанини ҳимоя қилишни, кимдир халқини иш билан таъминлашни, яна кимдир маърифат тарқатишини, бошқалар эса муҳтожларга ёрдам беришни, яна кимдир ёш авлодни тарбиялашни мақсад қиласди.

Бу ёзганларим балки ҳаётдаги ғалати мақсадлардан бири бўлиб туйилиши мумкин. Лекин сизга ғалати кўрингани билан аслида жуда муҳим ҳисобланади. Айнан шу мақсадлар ортидан келадиган эзгу ишларга минглаб инсонлар муҳтож.

Оддий ҳуқуқшунос омадсизликка учрабди. Бадавлат ва обрўли оиласида улғайган бу фарзанд ота-онасининг фахри эди. Энг яхши олий-гоҳда ўқиб, ҳуқуқшунослик дипломини олганди. Оиласи орқали кўплаб мартабали кишиларни танирди. Лекин, оиласи, таниш-билишиларининг ёрдамисиз иш фаолиятида, ҳаётида муваффақиятларга эришишини хоҳларди. Боршида жуда қийинчилликларга дуч келди. Адвокат бўлиб қатнашган илк маҳкамасида қарши тарафдагиларнинг кучли инсонлар эканини тушуниб, қўрқа бошлади. Маҳкама ноҳақлик қилиб қарши тараф фойдасига ҳукм чиқарди.

Бу унга қаттиқ таъсир қилди, ожиз эканлигини ҳис этди. Шунда ён-атрофга қаради, ўзидан-да оғир вазиятда бўлган одамлар борлигини билди. Мазкур воқеа сабаб бўлиб, муаммонинг ечимини ўйлай бошлади. У машҳур ҳуқуқшунос бўлолмади, лекин ўзининг ҳаёт фалсафасини шакллантириб, яшашдан мақсадини белгилаб олди. Шундан сўнг халқини давлатини инглизлар мустамлакасидан озод қилди. Бу тарихий шахс – Махатма Ганди эди.

Қаттиқ қийинчилик ва омадсизликка учраган вақтимизда тўхтаб, ўзимизга назар солишимиз керак. Ён-атрофдаги инсонларнинг ҳаётига ўша вақт янада тўғри баҳо бера оламиз. Ана ўшанда ўзимизни тиклай олишимиз ва бошқа тарафдан

бўлса ҳам олий мақсадга эришишимиз мумкин. Ганди ўз ҳаётини тарихий муваффақият ҳикоясига айлантира олди. Махатма Ганди ҳаёт зарбасидан кейин ўзини йўқотиб қўймади, ҳаёт йўлинни тўғри белгилай олди ва Ҳиндистон давлатини дунё миқёсига олиб чиқди. Унинг мақсади бутун дунёга катта таъсир кўрсатди.

*Тадқиқотчилар Францияда мармар конида ишловчилардан ўз ишлари ҳақидаги фикрларини билиш учун одам жўнатишибди. У одам биринчи ишчига яқинлашиб сўрабди:*

– Нима қиляпсиз?  
– Нима, кўрмаяпсанми, ажратиши қийин бўлган қоятошларни ушбу кичкина иш қуроллар билан майдалаб, раҳбар буюрганидек, бир жойга тўплаяпман. Унинг устига шу иссиқда терга ботиб ўлгудек ишлайпман, – деб қўпол жавоб қайтарибди ишчи.

*Бошқа ишчига ҳам худди шу саволни берганида:*

– Қоятошлардан мармарни ажратиб оляпман. Биламан, бу ўта оғир ва қийин иш. Лекин оиласам, уй-рўзғор учун пул керак. Нима бўлганда ҳам ишим бор. Бундан ёмони ҳам бўлиши мумкин эди-ку, – дебди.

*Учинчи ишчи:*

– Кўриб турганингиздек, фарзандларимиз, халқимиз, Ватанимиз учун фойдали ҳисобланган бу мармарларни ажратиб оляпман.

Аслида, ҳар учала ишчи бир хил вазифани ба-жараяпти, аммо ишга ёндашув, ҳаётдаги яшаш мақсади инсон руҳиятига күтаринкилик ва ҳар бир ишдан завқ беради. Яшашдан мақсадингизни қоғозга ёзишингиз шарт эмас. Мұхими, мақсадингизга дилдан ишонишингиз; уни қалбинギзга үйиб ёзинг. Атрофга қарасангиз, ҳар нарсаны фақатгина пул, мол-дунё, турли имкониятлар ва муваффақиятларга боғлайдиган мұхит бор. Аслида эса, ҳаётда эңг қадр-қимматли бўлган нарса бу – тўғри мақсадлар йўлидаги мashaққатлар, уринишлар, интилишлардир.

*Бир ёш йигит донишманднинг ёнига келиб, ундан баҳтнинг сири нимада эканлигини сўрабди.*

*Донишманд йигитчага ёғ солинган бир қошиқ бериб:*

*– Бу қошиқни ол, ёғни тўйкмай қалъани айланаб чиқ, – дебди.*

*Йигитча кўзини қошиқдан узмай, зиналардан чиқиб-тушиб қалъани айланаб, икки соатдан сўнг донишманднинг олдига келибди.*

*– Хўш, қалъа қандай экан, хоналари, боғлари сенга ёқдими? – деб сўрабди донишманд.*

*Йигитча уларни кўролмаганини, қалъани айланганда у бутун диққат-эътиборини қўлидаги қошиққа қаратганини айтибди. Донишманд яна шу қошиқдаги ёғ билан қалъани томоша қилиб келишини буюрибди.*

Йигитча бу сафар қўлидаги ёғ солинган қошиқ билан яна айланиб, қалъада кўрган ҳамма нарсани батофсил айтиб берибди. Донишманд қараса қошиқдаги ёғ тўкилган, йигит эса буни пайқамабди. Шунда донишманд насиҳат қилибди:

– Бахтнинг сири ҳаётнинг барча чиройини баравар кўриш ва айни вақтда қўлингдаги ёғни тўкиб қўймаслигингдадир, – дебди.

Мақсадингизни белгилар экансиз, муҳим бир жиҳатга аҳамият беринг. Ҳозирги кунда омад ва муваффақиятларга эришиш сирлари ҳақида жуда кўп китоблар бор. Бахтга эришиш йўлларини кўрсатиб берган фильмлар ҳам талайгина. Аммо улар сизнинг яшаш мақсадингизни белгилаб бермайди. Чунки улар ютуқларга эришган биргина одамни мисол қилиб кўрсатади. Уларнинг ҳийласи шу ерда. Ваҳоланки, муваффақиятга эришиш учун ҳаракат қилган минглаб инсонлар бор, улардан биргинаси маррада. Сиз эса намуна қилиб кўрсатилган бир инсонга тақлид қилиб, ортидан юрасиз, ўзлигингизни йўқотасиз, қийналасиз... Аслида, яшаш мақсадингизни қалбингизыва шакллантиришингиз, ривожлантиришингиз керак. У фақатгина сизга тегишли бўлсин. Энг асосийси, бу мақсадингизга ўзингиз чин дилдан ишонишингиз лозим!

Асосан дәхқончилик билан шуғулланувчи қишлоққа қачон құрғоқчилік келса, халқ «Ёмғир дуоси» учун йиғилишар экан.

Ахоли, узок пайт ёмғир ёғмай яна сувсизликдан қийнала бошлашибди ва оқсоқол олдига боришибди. Шунда ёши улуғ оқсоқол одамларга бирма-бир қараб, шундай дебди:

- Ёмғир дуоси учун түплендингиз, шундайми?
- Ҳа, – деб жавоб беришибди одамлар.
- Дуо қылсак, ҳақиқатан ҳам ёмғир ёғишига ишонасизми?
- Албатта, ишонамиз.
- Үнда нега соябонсиз келдингиз?

Үз яшаш мақсадингизга түлиқ ишонинг ва ҳаётга зийракроқ назар ташланг. Үйлаб күринг, турли хориж китоблари ёки фильмларида бизга омад, муваффақият деб күрсатилған нарсалар аслида муваффақият бўлмаса-чи? Масалан, уларнинг шундай усувлари бор: машҳур ва бой инсонларни ўрнак қилиб кўрсатиб, «Мана, у аввал пулсиз эди. Энди бой. Сен ҳам у каби кийин, чунки ҳамма гап имиджда. Вазифаларни, ишларни бундай бажар. Шунда омад сенга кулиб боқади ва



Ҳаётда энг муҳими – кўп нарсаларга эга бўлишингиз эмас, оз нарсаларга эҳтиёж ҳис қилишингиздир.

**Афлотун**

бой бўласан», деб уқтиришади. Ҳар бир шаҳар, ҳатто ҳар бир қишлоқ ва ҳар бир маҳалланинг ўзига хос шарт-шароити бўлгани ҳолда, хорижликларнинг ҳамма тажрибаси ҳам бизга тўғри келмайди. Сиз бу тажрибани амалга оширганингизда, яхши натижа олишингиз қийин. Улар айтган, улар кўрсатган кийим ва буюмларни со-тиб олишга сизни «мажбурлашади». Бутун умр янги чиққан урфни кузатиб, кўринмас ип билан боғланиб қоласиз. Бу сизнинг заарингизга, уларнинг фойдасига қўйилган тузоқдир. Сиз ўзингизга бадавлат инсон шаклини бериш учун барча буюмни олаверасиз.

Унумтманг, дунё мусобақа майдони эмас! Агар ҳаёт кимўзар пойгаси бўлганида, ҳаммамиз мағлублар сафида бўлардик, тўғрими? Чунки, ғолиб битта бўлади, қолганлар эса Мағлуб.

Дунёни мусобақа майдони, ҳаётни пойга деб қараб, бир-биридан ўзишга интилиб, бундан завқ оловчилар бор. Энди ўйлаб кўринг, ким инсон деган номга лойиқ? Улар лойиқми ёки ҳаётда кимўзарга мусобақалашмайдиган, доим атрофидаги муҳтожларга ёрдам бериб, йиқилганларни қўллайдиганлар лойиқми бундай шарафга? Атрофингизга қаранг! Балки, мусобақа қилмаган, бошқалардан ўзишга интилмаган инсонлар ўз ҳаётини борича қабул қилиб, шундан завқланиб, биздан кўра ҳузурли, баҳтли, хотиржам ҳаёт кечираётгандир?

*Бир неча йил аввал АҚШнинг Сиэтл штатида даун синдроми билан касалланган ёшлар орасида ўtkазилган олимпиадада қизиқ воқеа рўй берди. Юз метрли масофага югуриш бўйича мусобақада ақли заиф ёшлар югурга бошлишди. Тўққиз иштирокчи қатнашган мусобақада бириси мувозанатини йўқотиб ерга йиқилди. Шунда ҳўнграб йиғлаётган шеригини кўрган қолган иштирокчилар бирданига тўхтаб, орқаларига қайтишиди ва йиқилган шеригини ўрнидан турғазиб қўйишди. Сўнгра ҳаммалари биргаликда қўл ушилашиб, юз метрли маррадан ўтишиди.*

Қани, айтинг-чи, одатда кимларни ақли заиф деб атаймиз? Тафаккур қилиб қўрайлик, яшаш тарзимиз сохталикларга тўлиб-тошмаяптими? Ҳаётимиз фақат еб-ичиш, ўзимизни кўз-кўз қилишдан иборат бўлмаяптими? Бир-биримизни нега қийнаймиз, кўролмаймиз, ҳasad қиласмиз, йиқилган бўлса, баттар тепкилаймиз. «Сен эзмасанг, бошқалар сени эзади», деган тушунча онгимизга қачон ўрнашиб қолди?

*Қадимда бир одам туясига миниб сафарга отланибди. Узоқ йўл босиб кимсасиз чўллардан ўтаётганида йўл четида очлик ва сувсизликдан қийналиб noctor аҳволда ўтирган одамни кўрибди. «Илтимос, ёрдам беринг, бир қултум бўлса ҳам сув беринг», деб ялинибди у одам.*

Йўловчи ёрдам кўрсатмоқчи бўлиб туюдан тушибди ва сувдонини ночорга узатаётганида ҳалиги одам катта тош билан йўловчини уриб яралабди. Кейин унинг түясиға миниб, қоча бошлабди. Шунда яралангандай йўловчи ортидан бақирибди: «Ҳой, майли, тую сенда қолаверсин, розиман. Фақат илтимос, бу воқеани ҳеч кимга айтма. Бўлмаса инсонлар бир-бирига ишонмай, ёрдам ҳам бермайдиган бўлиб қолади. Мен шундан қўрқяпман».

Тўхтаб, ўзимизга бир разм солайлик. Ҳаёти-мизни, турмуш-тарзимизни сарҳисоб қилайлик. Ҳаётимиздан мамнун бўламизми, тўғри ва завқ билан яшаямизми? Виждонингизга қулоқ солиб кўринг-а, қаерларда хато қилаётганингизни ва уни тузатиш учун нималар қилиш кераклиги-ни айтармикан?!

Бир кўнгли кенг аёл меҳрибонлик уйидан жажжи қизалоқ асрраб олибди. Аёл унга ғамхўрлик қилиб яхши қарабди ва болалар боғчасига жойлаштирибди. Кунларнинг бирида боғчадаги бошқа болалар қизни «етимча, асранди», деб масхара қилишибди (Аслида, болаларнинг пок фитратида бундай масхаралаш одати бўлмайди, оиласидан ўрганиб қиласиди).

Кечки вақт қизни олгани онаси келганида, қизалоқ кўзларида жиққа ёш билан онасидан сўрабди: «Ойижон, асранди нима дегани?»

*Она меҳр тўла кўзлари билан қизига қараб, шундай дебди: «Бошқа болалар каби онаси-нинг қорнида эмас, қалбида катта бўлган де-ганидир, қизим». Қизалоқ қувониб кетиб она-сини қучоқлабди.*

Нега узоқни яқин қилувчи, оғирни енгил қи-лувчи турли воситалар ривожланса-да, инсон-лар тобора ўзини баҳтсиз ҳис қилмоқдалар? Нега инсонлараро меҳр-оқибат йўқолмоқда? Ўйлаб кўрганмисиз? Нега?

Тайландда маймунларни тутиш учун ажойиб тузоқ қўйиш усуслари бор. Узун занжирнинг бир учини дарахтга боғлаб, бошқа тарафига кокос ёнғоғи боғланади. Кокосни кичкина тешиб, ичи-га ширинлик қўйилади. Маймун шу ширинлик-нинг ҳидига келади. Қўлинни зўрға кокос теши-гига тиқади. Ширинликни ушлаган вақти қўли мушт ҳолатида бўлгани учун ташқарига чиқа-ролмайди. Овчилар яқинлашганида, маймун довдираб қочолмайди. Аслида, маймунни ҳеч нарса ушлаб турмайди. У бу вазиятда ширин-ликни қўйиб, қўлинни кичкина тешикдан чиқа-риши керак эди. Лекин маймунларда очкўзлик кучли бўлгани учун камдан-кам маймунлар бу тузоқдан қутулиб қоладилар.

Бизларни ҳам тузоққа туширган ва қопқон-да қолишимизга сабаб бўлаётган нарса бу зеҳ-нимизга ўрнашган ҳирс ва очкўзлик эмасми?

Эллик йил аввал ҳам инсонларда пул бор эди. Дўконларда эҳтиёжига етадиган ўнта маҳсулот бўларди. Одамларнинг пули эса ўнта маҳсулотнинг бештасига етарди. Яъни, эҳтиёжининг ярмини ололарди. Бугун ҳам инсонларда пул бор. Одамларнинг пули эса уларнинг юзтасига етади. Бу юзтаси эҳтиёжидан ҳам ортиқча. Лекин инсон тўймаяпти, эҳтиёжи бўлмаса ҳам бошқа нарсаларни ололмагани учун ўзини баҳтсиз ҳис қиласпти.

*Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Катта мамлакат ҳукмдори ва беҳисоб хазина эгаси бўлса-да, ўзини ҳамиша баҳтсиз ҳис қиласкан. Кошонасига турли масҳараబозлару созандалар келса ҳам унинг кўнглини кўтаролмас экан. Подшоҳ бир куни дебди:*

– Узоқ тоғларда бир донишманд яшайди. Уни ҳузуримга олиб келинг. Дардимга фақат у чора топиши мумкин.

*Мўйсафид донишмандин олиб келишибди. Подшоҳнинг дардини эшишиб, ўйлаб кўрган донишманд:*

– Шоҳум, сизни баҳтли қила оладиган биргина нарса бор. У ҳам бўлса – мамлакатдаги энг баҳтли одамни топиб, унинг кўйлагини мукофот эвазига олинг ва уни кийинг. Ана шунда баҳтли бўлиш сирини кашф қиласиз ва бир умр ҳаловатда яшайсиз, – дебди.

Бир кийган кийимини қайта киймайдиган, минглаб кийимлари бўлган подшоҳ бу гапдан жуда ҳаяжонланибди. Мулозимларни мамлакатнинг ҳар ерига юборибди. Хизматчилар бутун давлатни айланиб суриштиrsa, одамлар баҳтли киши деб фақат бир кишини кўрсатишибди. Мулозимлар ўша одамни топишибди. Не кўз билан кўришсаки, энг баҳтли инсоннинг эгнида кийими йўқ экан...

Бугун биз беш-ўн кийимимиз бўлса ҳам, ҳузурсиз, баҳтсиз яшаймиз. Балки бир-икки кийими бор, у ҳам йиртиқ-ямоқ инсонлар биздан баҳтлироқдир. Лекин уларни ҳеч ким кўрмайди. Чунки кўзлар фақат мол-дунёси бор одамларни қидиради. Уларга қараб ўrnak олиш учун ҳётни мусобақага айлантириб, кимдир йўқ бойлигини кўрсатиш учун қарз олиб шоҳона тўй қиласди, яна кимдир итдан суяқ қарз бўлса ҳам, керилиб уловда шаҳар кезади. Инсоннинг қадри бир парча кийиму турли матоҳлар билан ўлчанади...

Баъзилар нотўғри фикрлаб, буни халқимизнинг урф-одати ва менталитети деб атайди. Аждодларимиз бизнинг замонларда яшашганида улар бу гапларни тан олармиди? Менимча, йўқ. Амир Темур билан ёнма-ён туриб дунёнинг катта қисмини эгаллаган оталар, турмуш ўртоғи сафарга кетганида, оила шаънинигина

эмас, мамлакатни бошқариб, бутун халқ шаънини ҳимоя қилган Бибихонимдек оналар ўз ҳаётларини бундай арzon баҳолашмаган. Ҳар бир куннинг қадрига етишган. Чунки уларнинг яшашдан мақсадлари бўлган. Орамизда ҳамма айбни замон ўзгаришида деб ҳисоблайдиганлар бор. Аслида, ўзгарган нарса замон эмас! Чунки, минг йил аввалгидек қиш ҳам ўз ўрнида, ёз ҳам, фасллар алмашишда давом этмоқда. Давр ўзгармаган. Инсонларнинг зеҳни ва савияси ўзгарган, холос!

*Икки йил аввал ёз кунларида денгизда дам олиб қайтаётганимда йўл четида чалажон мушукка кўзим тушди. У бироз аввал машина оёқларини босиб кетганидан жароҳатланган ҳолатда ётарди. Ветеринарга олиб бордим, муолажа қилди. Кейин давлат ҳайвонлар қўриқхонасига топширдим. Ўша куни кечки вақт бир танишим, мендан бироз ёши кичик икки йигит вазир ўринбосари бўлиб тайинлангани ҳақида хабар етказди. «Сиз юрибсиз, мана қаранг, бошқалар нималарга эришяпти?» деди.*

Унга жавобан шундай хат ёздим.

«Бу йигитларнинг мансаб ва мавқеи даржаси мендан юқорилиги аниқ. Лекин бугун бир мушук ҳаётини сақлаб қолиш менга насиб қилди. Сизнингча, бу ҳаётда қайси бири муҳимроқ?»

Бошқалар ҳаёти билан үз ҳаётингизни со-лиширишингиз оқибатида ёки калондимоғ ёки баҳтсиз бўласиз. Чунки атрофингизда ҳамиша худди сиздек инсонлар бўлмайди. Ёки сиздан ёмонроқ ёки яхшироқ шароит ва ҳолатдаги инсонлар бор. Энг яхиси, сиз үз ҳаётингизни яшанг. Бошқаларнинг ҳаётини кузатаверсангиз, тақлид қила бошлайсиз. Шундай қилиб, турли кийим-кечак ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни қарзга бўлса ҳам сотиб оласиз. Аслида, баҳтли бўлиш учун сиз ким биландир рақобатлашишингиз ёки кимгадир тақлид қилишингиз шарт эмас. Үз ҳаётингиздаги бор нарсаларни кўринг, қадрига етинг ва ичингиздаги баҳтни ҳис қилинг.

Тўғри яшаш қандай бўлади? Мен кимман? Нега мен бу дунёдаман? Вазифам нима? Мен хоҳлаган нарса аслида шуми? Нега буни қилдим? Биз кўпинча ўзимизга шу каби саволларни бермасдан яшаймиз. Ҳаётни сарҳисоб қilmай, пойгага берилиб, кимгадир тақлид қилиб, кимдандир ўзишга интилиб, бир куни ортга қарганимизда, узун деб ўйлаганимиз – ҳаёт йўлимизнинг анчасини босиб қўйган бўламиз.

*Бир киши психолог ҳузурига келиб, дебди:*

– Пулим, мол-дунёум бор. Ҳамма нарсам етарли. Соғломман. Оилам ва фарзандларим бор. Ҳаётимда ҳаммаси яхши. Фақат доим ўзимни баҳтсиз ва ғамгин ҳис қиласман. Шу-

*нинг учун ёнингизга келдим. Менга маслаҳат беринг, – дебди.*

*Психолог у одамга синчиклаб тикилганча дебди:*

*– Тўғриси, сиздаги бу ҳолатга менинг таж-рибам етмайди. Йўлнинг нариги тарафига ўтсангиз, кўчма цирк келган. Кеча бориб, маза қилиб томоша қилдим. Кўнглим чигали ёзилди. Айниқса, масхарабоз ёқди. Сиз ҳам боринг, албатта, кўнглингиз ёзилади, – дебди.*

*Ҳалиги киши эса маъюс жавоб қайтарибди:*

*– Ўша масхарабоз менман...*

Бошқа инсонларга баҳтлироқ, чиройлироқ, бойроқ кўриниш, гап-сўздан қўрқиш оқибатида ҳаётимиз циркка, ўзимиз эса масхарабозга айланиб қолмаяпмизми? Кераксиз, зарурати бўлмаган нарсалар билан ҳаётимизни тўлдиришимиз сабаби шу эмасми?

Сиз учун энг қадрли бўлган уч нарса ҳақида ўйланг!

Хўш, сиз учун ҳаётда энг қадрли нарса нима?

(Умид қиласанки, уй-жой, телефон, машина хаёлингизга келмагандир.)

Бу ҳаётда сиз учун энг қадрлиси бу, аввало, ўзингиз бўлишингиз керак. Сиз қаерда, қачон ва кимнинг оиласида туғилишингизни танлай олмайсиз. Қаерда ва қандай ўлишингизни ҳам сиз

белгиламайсиз. Аммо қаерда ва қандай яшаш сизнинг измингизда. Уни бемақсад сарф қилинган кунлар билан тўлдириш ҳам, яшаш мақсадингиз билан ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш ҳам ўзингизга боғлиқ. Ўз ҳаётингизни мазмунли ўтказишга интилинг. Ўзингиз учун қадрли бўлган бир ҳаётда яшанг. Қадрлаш аввал ўзингиздан бошланади. Унутманг, ўзини қадрламаган инсонни бошқалар қадрлаши қийин. Шунинг учун аввал ўзингиздан бошланг. Хоҳлаган нарсани еб-ичиш ва кийиниш бу ўзингизни ҳурмат қилиш маъносини билдирмайди. Бошқалардан устун бўлиш ёки бошқаларни солишириб улардан яхшироқ яшаш ҳам ўзини қадрлаш дегани эмас. Аксинча, кераксиз ва зарарли бўлган нарсалардан узоқлашиш, атрофдаги инсонлар билан меҳр-оқибатли бўлиш ўзини ҳурмат қилишнинг асосий белгиси. Агар сиз ўз-ўзингизга ҳурмат кўрсатмасангиз, вақт ўтгач аслида ўзингиз хоҳлаган ҳаётингизни эмас, одамларнинг сиздан кутган турмуш-тарзи бўйича яшашингизга тўғри келади. Ўзингизни, ҳаётингизни қадрланг ва яшашдан аниқ мақсадингиз бўлсин!

Сиз ҳаётда баҳтли яшаш учун деворга нотўғри нарвонда чиқмаяпсизми? Агар ҳақиқатан ҳам баҳтли бўлишни хоҳласангиз, унинг шартлари бор. Улар қуйидагилар:



*Баъзи инсонлар нарвоннинг энг охирги поғонасига келганида, нотўғри деворга чиққанини тушунади.*

*Колин Алта*

зур-ҳаловати бўлмайди.

- Билимини ривожлантирумаган, дунёқарашини кенгайтирумаган, вақтини бекорчи нарсалар билан ўтказган, ишлашга иштиёқи бўлмаган, бир ишни эплолмаган киши ҳам баҳтли бўлолмайди.
- Мехр бермаган ва меҳр кўрмаган инсон баҳтли бўлолмайди.

*Бир аёл юмушлари билан кўчага чиқиб қарасаки, ташқарида учта нуроний отахонлар турган экан. Уларга қараб: «Бу ерларда мусофири бўлсангиз керак. Марҳамат, уйга киринг, меҳмонимиз бўлинг», дебди. Қариялар: «Хўжайнингиз уйдами?» деб сўрашибди. Аёл: «Йўқ, у киши ишда эдилар», деб жавоб қилибди. «Унда киролмаймиз», дебди нуронийлар.*

*Кечки пайт уйга келган эрига аёл бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда эри: «Уларга келганимни айт ва уйимизга таклиф қил», дебди. Аёл ташқарига чиқиб, нуронийларни*

- Баҳқаларга яхшилик қилмаган, мурувватли бўлмаган, хайр-эхсонни севмаган инсон баҳтли бўлолмайди.

- Дуруст ва ҳалол бўлмаган, бошқаларни алдаган инсоннинг ҳу-

уйга таклиф қилибди. Шунда улар: «Узр, биз учаламиз бир уйга биргаликда кира олмаймиз», дебди. Аёл ажабланиб: «Нега?» деб сўраганида, улардан бири шундай дебди: «Бу кишининг исми Бойлик, бу кишиники Муваффақият, менинг исмим эса Мехр. Сиз хўжайинингиз билан маслаҳатлашиб кўринг. Қай биримизни таклиф қиласиз?», дебди.

Аёл уйига кириб, эрига ҳаммасини айтибди. Эр бундан қувониб: «Ажойиб-ку, албатта Бойликни таклиф қиламиз. Келсин ва уйимиз бойликка тўлсин», дебди. «Нега Муваффақиятни таклиф қилмаяпмиз?» дебди аёли. Шу вақт уларнинг гапларини эшишиб турган жажжи қизлари: «Мехрни таклиф қолайлик, отажон. Шунда уйимиз меҳрга тўларди», дебди.

Оиланинг бошлиғи «Қизимизнинг айтганини қила қолайлик. Ташқарига чиқиб Мехрни таклиф қил. Бизнинг меҳмонимиз бўлсин», дебди. Аёл нуронийларнинг олдига бориб, Мехрни уйга таклиф қилибди.

Мехр уйга қадам ташлар экан, унинг икки шериги ҳам ортидан эргашибди. Шунда аёл ажабланиб дебди: «Биз Мехрни таклиф қилгандик, сизлар ҳам киряпсизлар. Ўзингиз айтдингиз-ку, биримиз кира оламиз, деб». Шунда нуронийлардан бири шундай дебди: «Агар сиз Бойликни ёки Муваффақиятни танлаганингизда, бошқалар хонадонингизга кирмас эди.

*Аммо сиз мени – Мехрни таклиф қилдингиз.  
Мен қаерга борсам Муваффақият ва Бойлик  
доим менга ҳамроҳлик қиласди».*

Кўп инсонлар баҳт ва омад деб ҳисоблаб, эришишга ҳаракат қилган, умрини сарфлаган нарсалар аслида нима эканини ўйлаб кўрайлик.

**Бойлик** – муваффақият ва баҳт билан чалкаштириувчи энг муҳим масалалардан бири. Кўп одамлар бойлик ва баҳт бир нарса деб ўйлашади. Кўпроқ пул топса, ўзини муваффақиятли деб ҳисоблайди. Бироқ, асло бундай эмас.

**Мол-дунё ва қимматбаҳо нарсалар** – биз бирон бир нарсани хоҳлаб ва агар унга эришсак, ўзимизни муваффақиятли деб ҳисоблаймиз. Аммо бу мол-дунё бизга давомий эмас, балки ўткинчи баҳтни келтиради. Аслида, инсонда мавжуд нарсаларнинг ҳеч бири унинг ўзига тегишли эмас. Эришган, қўлга киритган мол-дунёсига у фақатгина вақтингчалик қоровул, холос.

**Мансаб, куч-құдрат** – бу феъл-атвори мустаҳкам пойдевор устига қурилган ва шахсияти камол топган кишилар учун бир хазинадир. Пасткаш одамлар учун фалокат воситасидир.


*Ўқитувчи ўқувчиларига шиширилган шарга ҳар ким ўз исмини ёзиб келишини айтди. Эртаси куни ўттиз нафар ўқувчи дарсга келди.*

Синфхона шарлар билан түлгән эди. Ўқитувчи барча шарларни олиб бир-бирига аралаштиради. Кейин ўқувчилариға «Ҳамма ўз исми ёзилған шарни уч дақиқа ичида олсин», деди. Синфхона ғала-ғовур бўлиб кетди. Ўқувчилар ўз исми ёзилған шарни олишга интиларди.

Уч дақиқа ўтгач, фақатгина беш-олти ўқувчидан бошқа ҳеч ким ўз исми ёзилған шарни топа олмаган эди. Ўқувчилар нафас ростлаб олгач, бу сафар ўқитувчи: «Энди ҳар ким қўлига олган шарни исми ёзилған эгасига берсин», деди. Бир дақиқа ичида ҳар бир шар ўз эгасини топди. Шунда ўқитувчи:

– Ҳаёт ҳам ана шундай. Ҳамма ўзини, ақлинни йўқотиб, ҳар нарсадан, ҳар ердан баҳт қидиради. Лекин ҳеч ким баҳт нимада экани тополмайди. Бизнинг баҳтимиз аслида бир-биримизнинг баҳтимиздадир. Бошқаларга қувонч беринг. Сизнинг баҳтингиз ҳам ўзингизга албатта келади, – дебди.

Ҳаётингизни ҳузур ва мазмунга тўла ўтказиш, ҳар доим баҳтли юриш учун яшашдан мақсадингиз бўлсин. Ўзингиз хоҳлаган ва ундан завқ оладиган яшаш мақсадини белгилаб, уни қўлингиздан келганича қадрланг ва ҳаётингизнинг безагига айлантиринг.



*Қонунлар ва қадриятлар инсонларни  
бошқаради. Инсон уларни эмас.*

*Геродот*

## ҚАДРИЯТЛАРИНГИЗ

---

*Дунёда ҳамма баҳтли яшашни хоҳлайди. Лекин, сизни баҳтли қилувчи нарса бу ким эканлигингиз ёки нима қилганингиз эмас. Сизнинг дунёқарашингиз ва қадриятларингиздир.*

*Дейл Карнеги*

Ҳаётда амал қиласидиган қадриятларингиз бўлса, демакки, амалга оширадиган ишларингиз, ташлайдиган қадамларингиз осон бўлади. Агар қадриятларингиз, мақсадингиз, орзунгиз аниқ бўлмаса, қадам ташлашда, қарор беришда иккиласиб. Қаерга боришни билмаслигингиз ҳаётингиздаги маънони ўғирлайди. Чунки қаерга боришни билмассангиз, маъносини, оқибатини тушунмай, дуч келган йўлдан юришингиз мумкин.

*Бобо набираси Жамшиид билан сайрга чиқибди. Шаҳарнинг сершовқин кўчаларида юришар экан, бобо набирасига: «Қушлар сайраяпти, эшиитяпсанми?», дебди. «Йўқ эшиитмаяпман», дебди Жамшиид. Яна йўлларида давом этишибди. Сокин хиёбондан ўтишаркан, бобо*

яна сўрабди: «Болам, қушларнинг сайрашини эшиятсанми?» Жамшид бу сафар қуш товушларини эшиштаётганини айтибди.

Уйга қайтишар экан, маҳалланинг гавжум бозоридан ўтишаётганида Жамшид бобосидан: «Шаҳарнинг шовқини ичида қушларнинг сайрашини қандай эшийтдингиз?» деб сўрабди.

Бобо ҳамёнидан бир танга олиб, одамлар орасига отибди. Ҳамма инсонлар ерга тушиб жаранлаган тангага қарабди. Шунда бобо ўзининг қилган ишини ҳайрат билан кузаташётган неварасига қараб шундай дебди: «Қушларнинг овозига диққатимни бериб эшитдим. Ким бирон нарсага қаттиқ эътибор қаратса унга, албаттa, эришади».

Қадриятларингизни англаб олмасангиз, ортидан интилганингиз пул ва мол-дунё сиз учун энг қадрлиси бўлиб қолади. Қадриятлар эса ўз қарорларингизга таъсир қилганидек, тўғри фикрлашингизга ҳам таъсир қилади. Ҳаётга нисбатан дунёқарашингизни белгилайди. Тўғрисүзлик, ҳалоллик, ишончлилик, хушмуомалалик каби сифатларни шакллантиради. Бу сифатга эга инсонлар билан бир оиласадек яқин бўласиз.

Ўзбек оиласида дунёга келган фарзанд улғайиб катта бўлганида ҳам уй-жой қилиб уйлашишига үнинг оиласи ёрдам беради. Бу ҳолат фарбликлар учун бироз ғалати! Англиялик қиз

үқишини давом эттириш учун олийгоҳ тўловла-  
ри учун оиласидан ёрдам сўрайди. Ота-онаси  
қизига ажратган мерос ҳисобидан ёрдам кўр-  
сатиши мумкин, бу улар учун оддий ҳолат, биз  
учун эса бироз ноодатиyroқ. Ёки вояга етиши  
билиноқ фарзандини кўчага чиқариб, «Араванг-  
ни энди ўзинг торт», дейиш ғарбликлар учун  
одатий ҳолат бўлса, бизга одатий эмас. Худди  
бизнинг қадриятлар уларга бошқача кўринга-  
нидек. Шунинг учун ғарбликларнинг қолипи,  
ҳаёт тарзи ва фалсафасидан бошлаб, юқори-  
да айтганимиз – омад ҳақидаги китобларигача  
барча нарсалари сиз-у бизга тўғри келмайди,  
ҳаётимизга фойда келтирмайди. Шундай экан,  
ўз қадриятларингизни миллий анъаналар,  
маҳаллий одатлар ва диний қадриятлар асоси-  
да шакллантиришингиз керак.

Узоқ йиллар қурилиш корхонасида ишлаган  
ходим нафақага чиқиши учун ариза ёзибди. Раҳ-



Кўнгил ғашлиги ва  
юрак сиқилиши чора-  
сизлик ёки ожизлики-  
дан эмас, яшашига  
чорловчи бирор нар-  
са йўқлигидан.

*Пат Месити*

бари ундан нафақага  
чиқишидан аввал охирги  
бир уйнинг қурилиши-  
да бош-қош бўлишини  
илтимос қилибди. Хо-  
дим ноилож рози бўлиб,  
қурилиши бошлабди.  
Одатдагидек, арzon ва  
сифати паст маҳсу-

*лотлар ишлатиб, уйни тезгина битирибди.  
Битган уйнинг калитини раҳбарига топшириш учун олдига кирганида, раҳбар:*

*– Калит сизда қолаверсин. Бу уй сизга совға эди. Ўз уйингизни қурдингиз, – дебди.*

Қадриятларни оилам ва болаларим деб қараманг. Бу хатарли. Чунки вақти келиб ўз оиласиз манфаати учун минглаб инсонларнинг зарарига осонликча рози бўлишингиз мумкин. Сиз бутун халқимизни бир оила деб қаранг. Шунда сиз атрофдаги инсонларга, қариндош, дилдош, қадрдонлар кўзи билан қарайсиз.

**Ҳаётингиз давомида қўйидагиларни доим ёдда тулинг:**

- Ўзингизни қандай кашф қиласиз?
- Мақсадларингизни қандай аниқлайсиз?
- Мақсадларингизга эришиш йўлида қандай қадамлар ташлайсиз?

Биринчи бўлимда сиз ҳақингизда гаплашдик. Аниқлашингиз зарур бўлган уч муҳим манбага тўхталдик.


**КЕЛАЖАК ОРЗУЛАРИНГИЗ** – қийин дамларда сизни олдинга интилишингизга ундейди. Ёруғлик сочиб, қадамларингиз учун сизга куч беради. Унга етишиш хаёли доим қаддингизни тик тутиб юришингизга ёрдам беради. Ҳаётингизни ёритиб, совук кунларда иссиқлик беради. Аслида, уларнинг рўёбга чиқиши муҳим эмас.

**ЯШАШДАН МАҚСАДИНГИЗ** – фақатгина сизга тегишилдири. Ҳаётингизга мазмун бағишилайды, олдинга интилишга үндайды. Сизни ўзига чорлайды. Амалга оширган ишларингиздан завқла- нишни, мамнуният ҳиссини ортириади. Келажак билан боғлиқ режаларингизга ёрдам беради. Бутун умр ҳаётингизда муҳим ўрин әгаллади.

**ҚАДРИЯТЛАРИНГИЗ** – кундалик қарорлар ва вазифаларингизни осонлаштиради. Қадриятла- рингизга қанчалик содиқ бўлсангиз, шунча фой- да. Улар, сиз ташлаётган қадамларнинг тўғри- лигини ўлчайди ва назорат қиласди.

Ўзингизни бир иморат деб тасаввур қилинг. Яшашдан мақсадингиз уйнинг пойдевори, ке- лажак орзуларингиз уйнинг томидир. Қадрият- ларингиз эса иккисини бирлаштирувчи пишиқ ғишин демирлардир.

Умримизга назар солсак, кучли бўронлар ичидаги битта қум заррасимиз. Сиз шундай иморатни шакллантириб қуролмасангиз, ша- мол қаердан эssa эссин, сизни учирашиб, дуч кел- ган томонга улоқтиради.



*Мақсадларни аниқлаб олиш – тезроқ  
интилишдан ҳам мұхимдір.*

*Клариси Лиспектор*

## **МАҚСАДЛАРИНГИЗ**

---

*Ёмон гумон қилувчи инсонлар фақат  
қоронғи түннелни кўради. Яхшиликларни  
умид қилувчилар түннелнинг охиридаги  
нурни кўради. Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан  
қараганлар, түннел ва нур билан бирга  
келаётган поездни ҳам кўради.*

**Сидней Харрис**

Илтимос, қуйида белгиланган жойга кела-  
жакдаги мақсадларингизни ёзинг.

***Келажак мақсадларингиз***

Раҳмат!

Бироздан сүнг берадиган маълумотларимни ўқиганингизда, келажақдаги мақсад деб ёзганларингиз аслида мақсад эмас, ният эканлигини кўрасиз. Келажақда эришишни истаганларингиз, ниятдан келажақдаги аниқ мақсадлар кўринишига ўтиши учун зарурый қоидалар бордир. Келажак мақсадларингизни белгилаётганингизда доим ушбу қоидаларга диққат қилинг. Агар ниятларингиз бу талабларга мос бўлса, у мақсадингизга айланади. Тўлиқ мос бўлмаса ният бўлиб қолаверади.

- Завқлантирувчи
- Ҳамкор
- Мантиқлилик
- Аниқлик
- Эришилувчи
- Ўлчовли      —— Вақт  
                  //    Маблағ  
                  //    Сон

**ЗАВҚЛАНТИРУВЧИ.** Ўз олдингизга қўйган мақсадингизга эришганингизда, интилишларимга, уринишларимга, ҳаракатларимга яраша арзийди, дейишингиз керак. Агар белгилаган мақсадингизга эришишингиз сизни хурсанд қилмаса, барча қилган хатти-ҳаракатингиз беҳуда кетган бўлади. Бошқаларга завқ берувчи мақсадлар, сизга мос келмаслиги ва сизни баҳтли

қилмаслиги мумкин. Ўзингиз учун белгилаган мақсадга эришганингизда: «Ҳа, мен истаганим айнан шу эди», дейишингиз керак. Лекин, «Эҳ, шунинг учун шунча тер тўкиб овора бўлганмидим», десангиз – бу ёмон.

**ҲАМКОР.** Шахсий мақсадларингизни белгилайтганингизда, ўша мақсадингизга эришиш йўлида ёнингиздаги шерикларнинг фикрларини ҳисобга олмасангиз, уларни ўз мақсадингизга ҳамкор қилмасангиз муваффақиятсизликка учрайсиз. Масалан, нафақага чиққанимдан кейин табиат қўйнида яшайман, тоғ-адирлар бағрига жойлашаман, деб мақсад қиласиз. Нафақага чиққан вақтингизда оиласангизга қараб: «Қани, кетдик, мана энди ҳаммамиз бориб тоғ бағрида яшаймиз», десангиз, оила аъзоларингиз бунга рози бўлмаслиги мумкин. Чунки, бу уларнинг фикри ёки нияти эмас, бу – сизнинг мақсадингиз. Шунинг учун ўз олдингизга мақсад қўяётганингизда бошқаларнинг фикрини ҳам инобатга олинг, мақсад учун ҳамкор бўлинг.

**МАНТИҚЛИЛИК.** Ўзингизга мақсад белгилайтганингизда унинг мантиқли эканлигига эътибор қаратишингиз шарт. Завқлантирувчи ва мантиқлилик ўртасидаги фарқ шуки, мақсаднинг завқлантирувчи бўлишидаги омил бу – ўзингиздир. Бунда сизнинг ички овозингиз,

ички ҳисларингиз, ўз ҳузур-ҳаловатингиз зарур ҳисобланади. Мантиқли бўлишда эса ташқи маълумотлар ва сабаблар муҳимдир.

**АНИҚЛИК.** Ниятингиз мақсадга айланишида навбатдаги қоида бу – мақсадингизнинг аниқ ва тушунарли бўлишидир. Масалан, мен кела жақда катта одам бўламан десангиз, бу ерда аниқлик йўқ, мавҳумдир. Агарда, «мен мебел ишлаб чиқариш соҳасида йирик корхона очиб, раҳбар бўламан», десангиз, бунда мақсадингиз аниқ бўлади. «Келажакда хориж давлатларида ўқийман», дейиш ниятдир. «Япониядаги Осака университетида ўқийман», десангиз ният мақсадга айланади. Ниятларнинг мақсадга айланишидаги қоидалардан бири – мақсадингиз тўлиқ таърифланган ва у етарли даражада тушунарли бўлиши, яъни аниқлик бўлиши шарт.

**ЭРИШИЛУВЧИ.** Агар мақсадингиз сиз эриша оладиган даражада бўлмаса, бу фақатгина орзуллигича қолаверади. Мақсадга етиша оладиганингиз деганим, осонликча эришиладиган мақсадлар маъносида эмас. Албатта, баланд тепаликларни белгилаш яхши. Аммо жудаям юқори чўққиларга чиқишни мақсад қилсангиз, унга етолмай қолганингизда ўзингизни бахтсиз ва noctor ҳис қила бошлайсиз. Кейин эса тасалли бўлсин деб, заруратингиз бўлмаган матоҳлар

билин ўзингизни овутишга уринасиз, бошқалар сиз учун янада бахтли кўрина бошлайди. Эришиб бўлмайдиган мақсадлар сари интилган инсон бир оз муддатдан кейин ўзини белига боғланган таёқнинг учидаги сабзи орқасидан юрган тегирмон эшагидек ҳис қилиши мумкин.

Қадимда тегирмон тошларини айлантиришда эшақдан фойдаланиб, унинг белига бир таёқ, таёқнинг учига узун ип билан сабзи боғлашар экан. Бечора эшак сабзига етаман деб кечгача тегирмон атрофида юрар экан. Инсон табиати эса ундей эмас. Бироз муддатдан кейин, агар мақсадига ета олмаса қулоғи шалпайиб барчасидан воз кечиши мумкин. Айнан нималарга эришишингиз мумкинлигини ҳеч ким сизчалик билмайди барибир. Қайси мақсадларга эриша олишингизни фақатгина ўзингиз белгилай оласиз.

Америкалик 34 ёшли сузуви Флоренс Чедвик Каталина оролларидан Калифорния соҳиллагида бўлган 34 километр масофани тўхтамай сузуб ўтган илк аёл бўлишга қарор қилибди. Бунгача у Манш денгизининг икки қирғоқ орасини сузуб ўтган эди. Ёзниг чилласида океанини совуқ ва қуюқ туман қоплаган пайтда туман шу даражада эдики, ёнидаги назоратчилар бир-бирларининг қайиқларини зўрға кўриб туради. Флоренс акулалар ҳужуми ва

муздек сув бўлишига қарамай, ўн беш соат сузди. Ёнма-ён қайиқда сузиб келаётган унинг мураббийи ва онаси унинг қирғоққа жуда яқин қолганини айтишиди. Лекин Флоренс қатъиятли ва омадли суввичи бўлса-да, воз кечишини ва ўзини сувдан чиқаришларини сўради. Чедвик 33 километрлик масофани сузиб, қирғоққа бир километр қолганида сузишдан воз кечиш сабабини шундай изоҳлади: «Қуюқ туман сабабли қирғоқни кўрмадим. Кўрганимда, етиб олардим».

**ҮЛЧОВЛИ.** Мақсад белгилашда асосан уч йўналишдаги мезонлар белгиланиши шарт: вақт, макон ва сон. Қўйган мақсадингизда вақт чеклови бўлмаса, мақсад ҳақида гап очиш тўғри эмас. Чўнки бирор ишни икки йилда амалга оширишингиз билан йигирма йилда бажаришингиз орасида фарқ бор. Моддий қиймат рақамлари ҳам ёзилиши зарурдир. Бу мезонларни белгиламасангиз, мақсадингиз ўз маъносидан узоқлашиб, ният бўлиб қолиб кетавериши мүмкин.

Американинг Канзас Университетида бир тадқиқот ўtkазиш учун битирувчи талабаларга оқ қоғозлар тарқатилди. Талабалардан ўз олдиларига қўйилган мақсадларини шу қоғозга ёзишлари сўралди. Орадан 10 йил

вақт ўтганидан кейин талабаларнинг университетдаги таълим савияси ва уларнинг 10 йилдан кейинги ҳаётда эришган муваффақиятлари солиширилди. Натижә эса жуда ҳайратланарли эди. Дарсдаги ўзлаштиришлари жуда юқори бўлган, лекин ҳеч бир мақсадларини қоғозга ёзолмаган талабалар иш фаолиятида кўп ютуқقا эришишмаганди. Дарс ўзлаштиришлари ўртамиёна бўлган, лекин мақсадларини қоғозга аниқ-тиник қилиб ёзган талабалар эса ҳаётда жуда катта муваффақиятга эришган эдилар.

Ҳаммамизнинг бу ҳаётда келажак учун режаларимиз ва турли хил истакларимиз бор. Ушбу ниятларни қанчалик кўп аниқлаштириб мақсадга айлантиrsак, бетартиблик ва беқарорликдан қутулиб, қийин вазиятларга тушиб қолишимиз эҳтимоли шунчалик камаяди. Мазмунли ва самарали умр учун келажакда аслида нималарга эришишни истаётганимизни аниқ билишимиз керак. Буни ўзингиз үддалашингиз ва белгилашингиз лозим. Ўз ҳаётингизга ўзингиз меъмор бўлинг.

Германиялик бир профессор юртимиизга саёҳатга келибди. Қадимий ерларни айланиб юриб, ҳордиқ чиқаргани бир чойхонага кирибди. Мехмонга хизмат қилиб дастурхон тузади.

ётган чойхоначига тикилиб, профессор ёнида-  
ги таржимонига дебди:

– Бу чойхоначидан сўраб кўр-чи, бу жойнинг  
ривожи учун кейинги 5 йилга нима режаси бор  
экан?

Таржимон сўрабди. Чойхоначи ажабланиб,  
елка қисиб, «Билмадим», дебди. Профессор яна  
таржимонига:

– Сўраб кўр-чи, бу меҳмондўст инсоннинг 10  
йилдан кейинги ҳаёти учун нима режаси бор  
экан?

Чойхоначи:

– Билмадим. Ҳа энди, яшасак кўрамиз-да, –  
дебди хижолат бўлиб.

– Ундаи бўлса, 50 йилдан кейинга белгила-  
ган қандай режаси бор, сўрагин-чи, – дебди яна  
таржимонига профессор.

– Эй, ҳеч қанақа режа-пежа йўқ. Нима олиб  
келай меҳмонга, ошми, кабобми, – дебди  
чойхоначи тажсанг бўлиб.

Шунда профессор таржимонига дебди:



Ҳаётнинг асл  
маъноси билим  
эмас, ҳаракатда-  
дир.

И.В.Гёте

– Иш жойини ривожи  
билан боғлиқ ҳеч қандай  
режаси бўлмаса, яхшиси,  
бу ерни ёпсин, – дебди.

Ҳаётимиз давомида қў-  
лимизда мақсадларимиз  
ёзилган қоғозлар бўлсин.

Мақсадингиз бор бўлса, бутун диққатингиз ва кучингизни мақсадингиз йўналиши бўйича қартиб, олдинга интиласиз.

Инсонлар ҳаётда фақатгина икки хил кўринишда яшайди.

**1. Ҳаётида рўй берган воқеаларга нисбатан курашиб.**

**2. Мақсад белгилаб, унга эришиш учун олдинга интилиб.**

Биринчи кўринишга ўз ҳаётимдан мисол келтираман.

Саккиз йилдан бўён Ватанимдан узоқда, хорижда яшайман. Саккиз йил аввал ҳаётимда жиддий ташвишли кунлар бўлган эди. Моддий тарафдан ҳар нарсадан маҳрум бўлиб, устига-устак қарзлар ботқоғида қолгандим. Ўзимни қўлга олиб, ҳаммасини қайта тиклаб ва яна барчасини изига солиб аввалгисидан ҳам яхшироқ ҳолатга кела олишимга ишонардим.

Фақат, атрофимдаги инсонлар ва руҳий муҳит интилишимга тўғаноқ бўлган энг катта тўсиқ эди. Шу сабабли ҳаммасини янгидан бошлаш мақсадида узоқларга – бошқа давлатга кетдим. Кейинчалик ўйлаб қарасам, ҳаётимда янги саҳифа очишни ўз олдимга мақсад қилиб эмас, дуч келган воқеаларимга нисбатан курашишим натижасида эришган эканман.

Иккинчи күринишига мисол.

Режиссёр Питер Жексон машхур «Узуклар ҳукмдори» фильмини суратга олиш учун ватани Янги Зеландияда тасвир майдонларини ясатиб, тайёргарликни бошлаб юборади. Бу кино сўнгги йиллардаги энг машхур ва йирик бюджетли фильмлардан биридир. Фильмда бош қаҳрамон ролини ўйнаш кўп актёrlарнинг орзусига айланди. Бош қаҳрамон Фродо образи учун кастингда икки юздан ортиқ актёrlар қатнашган эди. Режиссёр ва фильм ташкилотчилари узоқ вақт ўтса ҳам, қайси номзодни танлаш борасида аниқ бир тўхтамга келишолмади. Элайжа Вуд исмли актёр бу икки юздан ортиқ номзодлар ичида йўқ эди. Лекин, бош ролда ўйнашни астойдил хоҳлаб, ўзига мақсад қилиб қўйди. У ғаройиб бир йўл тутди. Аввал «Узуклар ҳукмдори» китобини ўқиб чиқди. Кейин эса асарнинг бош қаҳрамонига мос либослар топиб, бир тасвирчини ижарапади. Фродо образидан парчалар ўйнаб, суратга туширди. Қайд қилинган «фильм»ни Янги Зеландияга, Питер Жексонга юборди. Натижада, ўша вақтгача тилга олса арзигулик бирор фильмда ўйнамаган Элайжа Вуд бош ролга муносиб кўрилди.

Мана икки мисол. Мен, ҳаёт тўлқини келиб урилганида чўкмаслик учун тўлқин йўналиши-

да суздим, дейишим мумкин. Элайжа Вуд бўлса, аниқ бир мақсад қўйиб, шу бўйича тўғри қадамлар ташлади. Агар ўша икки юздан ортиқ номзоднинг ичида орамиздаги инсонлар бўлганида, «Ноҳақлик бўлди, таниш-билишчилик қилинди, соққам ёки «танкам» бўлганида мен бу ролни ўйнаш нари турсин, фильмга ўзим режиссёрлик қилардим», деб минғирлаб юрарди.

Цирклардаги баҳайбат филлар қандай ўргатилишини биласизми? Жуда оддий. Филни кичик ва кучсизлигида ерга қозиқланган занжирга боғлашади. Бу вақтда фил қанчалик уринса ҳам, чиранса ҳам занжирни узолмайди. Қозиқни ҳам ердан қимирлатишга кучи етмайди. Бора-бора кучсизлигини тушуниб, ўзини уринтирмай қўяди. Вақт ўтиб фил катта бўлгач кучли бўлса ҳам, ўша кичкина бўлиб кўринган занжирни узишга ва қозиқни суғуришга кучи етмаслигини ўзига сингдиргани учун, шу ҳолатга кўникиб, ҳаракат ҳам қилмай қўяди.

Кўплаб ақлли инсонлар ўз зеҳнларининг кучини чегара ва деворлар билан тўсиб қўйганлар. Уларга ҳамма нарса қийиндек кўринади. Бирор нарсага эришиш учун пул, таниш-билиш ёки бошқа сабаблар керак, деб ҳисоблади. Ўзларининг фикрларига цирқдаги фил мисоли асир бўлиб яшайди. Ўзлари чизган чегарадан нарига асло ўтолмайди.

11 ёшли япон боланинг ҳаётдаги орзуси дунёга машхур курашчи бўлиш экан. Лекин бир фалокатга учраб чап қўлини бутунлай йўқотибди. Шунда у ўша орзусидан воз кечибди. Ахир бир қўл билан қанақасига курашчи бўллади? Шундай бўлса ҳам, оиласи уни бўш юрмасин деб Япониянинг машхур дзюдо кураш устасига шогирдликка берибди. Устози болага бир қўл билан рақибини қулатиш услубини ўргатибди. Бола бу усулни тинмай машқ қилиб пухта ўрганиб олибди.

Кунларнинг бирида устози:

— Яқинда кураш бўйича мусобақа бўлади. Сен унда қатнашасан, — деганида бола ажабланиб:

— Мусобақами? Бир қўл билан қандай қатнашишим мумкин? — деб ҳайратланибди.

— Сенга ишонаман, ўрганган усулинг билан bemalol қатнаша оласан, — дебди устози.

Вақти келиб мусобақа бошланибди. Устози болага:

— Ўзингга ишон, сен ўша билган усулингдан фойдалан, — дея далда берибди.

Бола кураш майдонига тушиб рақибларини қисқа вақтда бирма-бир ерга қулатаверибди. Тезлик билан финалга кўтарилибди.

Устози яна унга:

— Услубингдан фойдалан, албатта ютасан, — деб такрорлабди.

Кураш майдонига Японияда донғи кетгандың курашчи чиқибди, қараса, қаршицида муштумдек келадиган ва устига-устак бир қўлий ўйқу бола турибди. Уни менсимаган бўлиб кулиб ёнига яқинлашган экан, нима бўлганини тушунмаёқ, ўзини ерда чалпак бўлиб ётганини кўрибди. Болакай мусобақанинг ғолибига айланнибди. Устоз-шогирд қувонч ва ҳаяжон билан совринни қўлга киритиб уйга қайтишар экан, бола устозидан сўрабди:

– Устоз, мен бунга қандай эришдим? Машқ қилиб, дўстларим билан кураш тушганимда, улар кўнглим ўксимаслиги учун йиқилиб беряпти деб ўйлардим. Лекин мана, ҳозир чемпион бўлдим. Сабаби нимада?

Устози жилмайиб шундай дебди:

– Сенда уч сир бор. Биринчиси – сен машҳур курашчи бўлишни ўз олдингга аниқ мақсад қилиб қўйгандинг. Иккинчиси – курашда энг қишин бўлган чирпирак қилиб қулатиш усулини тўлиқ ва мукаммал ўргандинг. Тўғриси, мен ҳам бу даражада эплолмайман. Учинчиси эса – сенинг бу усулингга қарши биргина ҳимоя йўли бор. У ҳам бўлса бу усулни қўллаганнинг чап қўлидан тутиши.

Ўз мақсадларингизни тўғри ва аниқ белгиласангиз, ўша вақтда ҳатто сизнинг камчилик ва нуқсонларингиз ҳам халақит бермайди. Аксин-

ча, чап қўли йўқ курашчи каби сизнинг камчили-гингиз мақсадингизга эришиш йўлида фойдан-гизга хизмат қилиши мумкин.



Ҳаётингиздаги энг катта тўсиқ бу – сизнинг бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш одатий турмуш тарзингиздир. Ўз устида доим ишлаб, қобилиятларини шакллантириб, билимларини ривожлантира олмайдиган одам ўрни йўқ одам деганидир. Шаклланмаслик ва ривожланмаслик бу ҳаёт жараёнидан узоқлашиш, қолипланган бир муҳитда яшаш, муваффақиятларни четга суриш, ўз инсонлик қадрини йўқотиш деганидир.



Бундан ўн беш йил бурун пахта мавсумига ҳашарга борганимизда, қишлоқ ахолиси, «Ҳашарчилар келган икки ой биз учун жуда мазмунли бўлади. Кейин эса яна бир хил зерикарли ҳаёт бошланади», деган эди. Бугунги кунда уларнинг турмуш тарзи айнан ўша ҳолатда давом этаётгандир. Бунга шубҳам йўқ. Ҳолбуки, беҳуда ўтказаётган вақтини фойдаланаётган телефон ва интернетларидан турли хориж тилларини ўрганишга сарфлаши мумкин. Янги-янги изланишлар учун жуда кўп вақти ва имконияти бордир. Узоқ қишлоқларда яйловда қўй боқаётган боланинг ҳар йили биттадан тил ўрганишига ким ёки нима халақит беради? Биргина инглиз тили луғат китоби етарли бўнинг учун. Яйловдаги боладаки имконият бор экан, сиз кенг имкониятлар ичида ўн баробар, юз баробар ўз устингизда ишлашдан асло эринманг. «Вақт йўқ», деб ўзингизни алдайсиз. Вақт эмас, интилиш ва ҳаракат қилиш учун хоҳиш йўқ, аслида.

Барча имкониятларимиздан фойдаланиб мақсадларни амалга ошира олганимизда, натижалардан ҳатто ўзимиз ҳам ҳайратга тушган бўлардик.

Томас Эдисон

*Ўқитувчи дарс вақтида катта бир шиша идишини столнинг устига қўйиб талабаларга:*



Ҳар қандай инсон ўрганишини, изланишини тұхтатғанида қаришни бошлиайды.

Генри Форд

— Мана ҳозир сизлар билан тажриба ўтказамиз, — дебди.

Кейин халтадан үирик тошларни олиб шиша идишнинг ичига устма-уст жойлаштирибди.

Бошқа тош сиғмайдыган даражага келганида, ўқитувчи: «Идиш түлдими?», деб сўрабди. Ҳамма талабалар: «Ҳа, түлди», дейишибди. «Түлди деб ўйлайсиз, шундайми?» деб ўқитувчи идиш ичига майда шағал тошларни солиб идишнинг энг тепасигача түлдирибди. Идишни чайқатган экан, тошлар жой-жойига тушибди. Ўқитувчи яна сўрабди: «Түлдими?» Талабалар бу сафар иккиланиб: «Йўқ, түлмаганга ўхшайди», дейишибди. Ўқитувчи: «Тўғри», деб, бир қоп қумни олиб идишнинг ичига солибди. Қум идишнинг ҳамма бўш қисмини эгаллади. Ўқитувчи яна сўрабди: «Тўлдими энди?» Талабалар яна бир овоздан: «Тўлмади», дейишибди. Ўқитувчи: «Тўппа-тўғри», деб чекакда турган сув билан идишнинг ичини тўлдирибди. Шундан кейин ўқитувчи: «Мана энди түлди. Бу тажрибамиздан сиз қандай хулоса олдингиз?» деб талабаларга юзланибди.

Бир талаба:

– Кундалик режамиз қанчалик тўла бўлса ҳам, ҳар доим фойдали бошқа ишлар учун вақт топса бўлади, – дебди.

Ўқитувчи талабанинг сўзларини шундай давом эттирибди:

– Тўғри, лекин айтмоқчи бўлганум фақатги на бу эмас. Агар катта тош бўлакларини энг бошидан идишга қўймасангиз, кейин умуман қўёлмайсиз.

Сиз ўзингизга савол бериб сарҳисоб қилинг, сиз учун ҳаётдаги йирик тош бўлаклари нималар? Уларни биринчи бўлиб идиш ичига жойлаяпсизми? Ёки идишни сув ва майда қумлар билан тўлдириб катта тошларга жой қолдирмаяпсизми?

Афуски, изланишдан тўхтаганимиз учун кўпчилигимиз йигирма ёшда қаришни бошлаймиз. Бутунлай қотиб қолганимиз учун ўттиз ёшда ўламиз. Етмиш ёшимизда танамизни кўмишади. Ҳаттоқи бир аср аввал боболаримиз билим олиш учун юзлаб километр масофани отда босишган бўлса-ю, бугунги даврда уйда ўтириб дунёдаги барча тилларни ўргана оладиган вазиятда ҳеч бўлмаса учта тил билмаслигинги – сизнинг камчилигингиздир. Ҳаётингизда янги изланишлар қилинг. Бир хил давом этаётган турмуш тарзингизга мазмун бағишлиаш ўзингизга боғлиқ.

Икки киши ўрмонда дараҳт кесаётган эди. Биринчи одам саҳар уйғониб дараҳтларни кесишни бошлар, бир дараҳтни қулатиб, ортидан бошқа дараҳтни кесар экан. У күн бўйи дам олишга ҳам, тушлик вақти овқатланишга ҳам вақт ажратмасдан тинмай ишлар экан. Кечки вақт дўстидан бир-икки соат ўтгач, ишини тўхтатар экан. Иккинчи йигит эса иш давомида бир оз дам олар, күн қорая бошлаганида уйига кетар экан. Шу ҳолатда бир ҳафта ишлаганидан сўнг, улар қанча дараҳтни кесганини ҳисоблай бошлишибди. Санашса, иккинчи одам анча кўпроқ дараҳт кесибди. Биринчи одам аччиқланиб:

– Қандай қилиб ахир? Мен кўпроқ ишладим. Сендан олдин иш бошлаб, сендан кейин тугатган бўлсам. Лекин сенинг кесган дараҳтларинг кўпроқ. Бунинг сири нимада? – дебди.

Шунда иккинчи одам жилмайиб:

– Ҳеч қандай сир йўқ. Сен тинмай ишлаётганингда, мен нафас ростлаб болтамни чархладим. Ўткир болта билан камроқ куч сарфлаб, кўпроқ дараҳтлар кесдим, – деб жавоб қайтарибди.



Үз үстимизда ишлашимиз бу ишимиз самарадорлиги, билимимиз ривожи учун болтани чархлаш деганидир. Ҳаётда үз үстингизда ишлаб, камчиликларингизни бартараф қилиш учун үз мақсадларингизни қўйидаги йўналишларни ҳисобга олган ҳолда белгилашингиз керак.

- Соғлик.
- Алоқалар.
- Маблағ.
- Ҳаётдаги режалар.
- Ривожланиш.
- Иш.
- Турмуш ҳаёти.
- Соғлик: ёмон одатлар, саломатлик тартиби, вазн ва бошқалар.
- Алоқалар: оила, қариндош-урӯғ, дўстлар, танишлар билан қиласиган ўзаро муносабатлар ва уларга ажратиладиган вақт.
- Маблағ: топиладиган пул маблағи ва қилинадиган харажатлар.
- Ҳаёт режалари: вақт режаси, кайфият бошқаруви ва кундалик режалар.
- Ривожланиш: иқтидор, қобилият, имкониятларни ривожлантириш ва келажакда юқори поғоналарга чиқишга ёрдамчи бўладиган билим ва малакаларга эга бўлиш.

- Иш: иш фаолияти билан боғлиқ режалар, эришишга интилинаётган мавқеи, фаолият қилинадиган йўналиш, нафақага чиқиш учун режаланган ёш.
- Турмуш ҳаёти: турмуш қуриш, қизиқишлар, ўзи учун ажратиладиган вақт, завқланниб яшаш учун қилинадиган ишлар.

Мақсадлар ҳаёtingизнинг ҳар жиҳатдан шаклланиши ва ривожланиши учун жуда муҳимдир. Оқ қоғоз ва қалам олиб ҳеч ким сизни безовта қилмайдиган қулай муҳитда қайта-қайта келажак мақсадларингиз ҳақида ўйланг. Ўйлаган ҳар бир фикрингизни ёзинг. Молиявий мақсадлар, шахсий мақсадлар, муносабатларга оид мақсадлар, соғлиғингиз билан боғлиқ ва бошқа мақсадлар. Барчасини, хаёлингиздан ўтган нимаики бўлса, ҳаммасини ёзинг. Тугатганингизда, қарасангиз, қоғозга кўпгина мақсадлар ёзган бўласиз. Улар орасида энг муҳим бўлганларини ажратинг. Мақсадларингиз сиз эришадиган даражада бўлиш билан бирга, сиз ўз устингизда ишлаб, ўрганишингиз керак бўлган ҳунар ва билимларни талаб қилувчи қийинчиликда бўлиши керак. Эриша олмайдиган ўта мураккаб мақсадларни қўйишингиз оқибати сизда үмидсизлик, тушкун кайфият ва ўзингизга бўлган ишончсизликни келтириб чиқаради. Эъ-

тибор беринг: олдингизга қўйган мақсадларингиз қийин ва эришиладиган бўлиши зарур.

Ҳар бир мақсадингиз учун «Нега бу мақсадни танладим? Бундан менга нима фойда бор?» деган саволни беринг. Мақсадингиз самарали ва фойдали бўлишига аниқ эътибор қаратинг.

Биринчи бўлимда биз сиз билан ўзлигингиз ва ҳаёт фалсафангиз, яшашдан мақсадингиз, орзу-хаёлларингиз ва қадриятларингиз ҳақида суҳбат қўрдик. Иккинчи бўлимда эса келажагингиз ҳақида гаплашдик. Мақсадларингизни қандай белгилайсиз, ниятлар мақсадга айланishi учун қайси қоидаларга мос бўлиши керак?

Учинчи ва охирги бўлимга келдик. Бу бўлимда сиз ва келажагингизга олиб борувчи йўл ҳақида суҳбат қурамиз.

Хўш, бу мақсадларни қандай амалга оширасиз?

Бу ҳаётда муҳим бўлган нарса кимдандир устун бўлиш ёки кимдандир ўзиб кетиш эмас. Муҳими, ҳам ўзингизга, ҳам жамиятга, ҳам табиатга фойдали бўлган бахтли ва завқли бир умр кечиришдир. Сиз ва келажагингиз орасидаги йўл нурли бўлиши учун тўрт асосий талабни бажаришингиз керак. Агар сиз уларни тўғри ва тартибли бажара олсангиз, йўлингиз доим ёруғ ва ойдин бўлади. Улар сизни ҳар йиқилганингизда қўлингиздан тутиб, қўллаб юради. Мен улар ҳақида тўхталиб ўтаётганимда, ҳар бири

учун алоҳида ўзингизга ўзингиз савол беринг:  
«Бу менда қанчалик бор?»

Мақсадларингизга олиб борувчи йўлда юриш вақтида қўйидаги босқичлардан ўтасиз:

Ҳар босқичнинг уч илдизи бор. Ўз мақсадларингизга эришишда уларни бажаришингиз шарт бўлган асосий талаблардир. Ҳаётда билим, муомала ва үддабуронлик каби хислатларнинг жуда фойдали ўрни бор. Фақат улар мақсадингизга эришиш учун қўшимча фойда келтиради. Мақсадга эришиш йўлида энг асосийси улар эмас. Кейинги саҳифаларда энг асосий хислат ва сифатларга тўхталамиз. Ҳар бири учун «Бу менда қанчалик бор?» деб сўраганингизда, жавобингиз қониқарли бўлмаса, ўз устингизда ишлаб, ўзгаришингизга тўғри келади. Ўзгаришлар ҳақида халқимизда: «Сут билан кирган жон билан чиқади», деган мақол бор. Сиз бу мақолни қандай тушунасиз? Инсон ёмон феълини ўзгартира оладими?


Америка тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, агар инсон хоҳласа, ҳатто қариган чоғида ҳам феълини, характерини 12 фоизга ўзгартириши мумкин экан.

Демак, бошлаймиз.

Ҳиндистондаги баланд тоғларнинг чўққисида «Минг кўзгули сарой» номли қалъа бор экан. Кунларнинг бурида бир им тоққа чиқиб, ўша қалъанинг зинапояларини бирма-бир босиб саройга кирибди. Саройнинг мингта кўзгуси бор хонасига кириб қараса, қаршисида мингта им турибди. Қўрқиб, дарров тукларини ҳурпайтирибди, думини йиғиб, ҳуркитиш учун тишларини кўрсатганча ириллай бошлабди. Ўша мингта им ҳам тукларини ҳурпайтириб, думини йиғиб, қўрқинчли тишларини кўрсатибди. Им даҳшатга тушиб, саройдан қочганича чиқиб кетибди. Шу вақтдан бошлаб бутун дунёни қўрқинчли, йиртқич имларга тўла деб ишона бошлабди.

Орадан вақт ўтгач, бошқа бир им тоққа чиқиб, ўша қалъанинг зинапояларини бирма-бир босиб саройга кирибди. Саройнинг мингта кўзгуси бор хонасига кирганда мингта им турганмиш. Уларни кўриб қувонибди. Думини ликиллатганча қувнаб у ердан бу ерга сакраб, имлар билан ўйнай бошлабди.

Бу им саройдан чиққанида бутун дунё қадр-дон ва қувноқ имларга тўла эканига ишонадиган бўлибди.





## ИЖОБИЙ ФИКРЛАШ

---

Ён саҳифага диққат қилинг. Нима кўряпсиз?

Ёнингиздагилардан ҳам иложи бўлса, бу саҳифада нима кўришаётганини сўранг. Кўпчиликнинг айтадиган гапи «қора нуқта» бўлиши табиий. Аслида эса катта оқ саҳифанинг ичидагиниң мингдан бир қисмини эгаллаган фақат қора нуқтани кўрди. Ҳаётда ҳам доим шунақамиз, тўғрими? Аксаримизнинг бу ҳаётда қила-диган иши, катта оқлик ичидагиниң қора нуқталарни кўриш. Энг қизиғи, чиройли давом этаётган турмушимизда рўй берган кичик кўнгилсизликни бутун ҳаётимиз устига қора булут қилиб, қоплаб оламиз.

*Ота жажжи қизчаси билан ўйнар экан, ундан сўрабди:*

– Ойингнинг кўзларини ранги қанақа?

– Оқ-қора, – дебди қизалоқ.

– Қизим, кўз оқ-қора бўлмайди. Ёки қора, ёки кўк, ёки жигарранг бўлади.

*Шунда қизча ошхонага бориб, онасини қўлидан етаклаб келиб, дебди:*

– Сиз катталар күзлардаги бу оқни күрмай-сизларми?

Хаёт ҳақидаги саволларга күпинча түғри жа-вобларни болалар беришади. Ҳали ҳеч нарса күрмаганидан эмас, уларнинг ҳаётга қарашлари беғубор, соғ бўлганидан. Биз эса улғайганимиз сари ҳаётимизда асосан қора нуқталарни кўра-миз. Ҳаёт сизнинг қарашларингиз ва фикрла-рингизни турмушингизда акс эттиради. Ҳаётга ижобий қарасангиз, ҳаётингиз ҳам яхшилананаёт-ганини кўрасиз.

*Бир донишманд ёнида шогирди билан кўча-да бирга кетишар эди.*

– Ҳамма жойда жимжитлик, тинчлики? – деб сўрабди шогирд.

– Жимжитлик демагин, ҳеч нарсани эши-толмаяпман дегин, – дебди донишманд.

Ҳаётга қандай қарашингизни шу саволлар орқали синаб кўринг. Гулларнинг тикани борми ёки тиканли новданинг гули борми?

Пиёланинг ярми бўшми ёки ярми тўла? Ярми тўла десангиз бу ҳам кам. Чунки ярми тўла пиёла аслидан икки баравар каттадир! Фикрлашин-гиз ҳаракатингизга, ҳаракатингиз эса ҳаётингизга айланади. Ижобий томонлама фикрласангиз, ҳаётингиз ҳам яхшиланаверади.

Узоқ қишлоқда яшовчи болакай бобосининг ёнида ўтириб нарироқда талашаётган икки итни кузатарди. Итлардан бири оқ, бири қора эди. Бу баҳайбат икки ит бобосининг ёнидан асло узоқлашмасди. Қизиқувчан болакай бобосидан сўради:

– Бобо, нега доим бу икки итни бирга боқасиз? Нега бирини ранги қора, бириники оқ?

Бобо кулиб, неварасининг бошини силаганча дебди:

– Улар мен учун иккита тимсол, ўғлим.

– Қандай тимсол? – қизиқибди болакай.

– Яхшилик ва ёмонликнинг тимсоли. Айнан ҳозир кўриб турганингдек ичимиизда ҳамиша яхши ва ёмон фикрлар бир-бира билан кураш олиб боради. Уларни кузатар эканман, доим шу ҳақида ўйлайман. Шу сабабли доим уларни ёнимда олиб юраман, – дебди бобо.

Бола шунда, агар кураш бўлса, бири ғолиб бўлиши керак, деб ўйлабди ва болаларча савол берабди:

– Үндаи бўлса бу курашда ким ғолиб бўлади?

Бобо маъноли табассум билан набирасига қараб:

– Қайси бирими, болажон? Мен қай бирини кўпроқ парвариш қилсан ўша ғалаба қозонади, – дебди.



Сиз ижобий фикрларни парвариш қилинг. Шунда миянгизда ёмон тушунчаларга жой бўлмайди. Салбий фикрлар мияда бор бўлса, яхши тушунчалар устидан ғолиб бўлади. Иккисининг орасида нозик чизик бор. Қайси бири ҳаётга қарашингизда кўпроқ жой эгалласа, иккинчиси учун кам жой қолади. Бағри кенглик оз бўлса, тоқатсизлик ошади, дўстлик кам бўлса, душманлик кўпаяди. Сиз ижобий бўлганларини кўпайтиришга ҳаракат қилинг.

*Аргентиналик машҳур голф устаси Роберт де Винчензо бир турнирда қатнашиб ғалаба қозонибди. Мукофотни олгач, мухбирлар билан сұхбат ўтказибди. Кетиши учун автотурагоҳга борганда ёнига ғамгин қиёфада бир*

аёл келибди. Аёл спортчини ғалабаси билан табриклагач, чақалоғининг оғир аҳволда эканини ва касалхона учун тўлашга пули йўқлигини айтиб, ийғлабди.

Аёлнинг сўзидан таъсирланган Роберт шу заҳоти ҳамёнидан чек дафтарчасини олиб, катта миқдорда маблағ ёзиб, аёлга тутқазар экан: «Умид қиласманки, тез орада чақалоғингиз тузалиб кетади», дебди.

Келаси ҳафта Роберт голфчи дўстлари билан кўришанида, улардан бири: «Автомоторгоҳ назоратчиси айтганди, ўтган ҳафта сенинг ёнингга бир аёл келганмиш ва у билан гаплашибсан», деганида Роберт: «Ҳа тўғри, келган эди», деб тасдиқлабди.

– Шунақами? Ундаи бўлса эшишт. У аёл ғурт ёлғончи ва муттаҳам экан. Умуман, боласи ҳам йўқ. Сени боплаб алдабди.

Роберт ажабланиб:

– Демак, ҳеч қандай ўлим тўшагида ётган гўдаги йўқ, шунақами?

– Йўқ албатта. Бу гаплар билан у сени лақиллатган.

– Бу хабар ҳафта давомида эшиштган энг қувончили хабарим бўлди, – дебди Роберт севиниб.

Айни деразадан ташқарига қараган икки одам: бири кўчадаги балчиқни, иккинчиси эса

осмондаги юлдузларни күрарди. Сиз үз ҳаётингизга яхши томондан қаранг ва шундай бўлишга интилинг. Чунки ҳаётингизга нимани чақирсангиз ўша келади. Ҳаётидан, турмушидан нолиб юрувчи одамларни кузатинг, бошидан ўтказган воқеаларининг кўпи үз ҳаётига қарашлари ва үз хатти-ҳаракатларининг оқибатидир.

Сизда ҳам худди шундай...

Бир хонадонда ёнгин бошланибди. Уйдаги эркаклар ишда эди. Аёл уйига зудлик билан кириб бешикдаги чақалогини қутқариб чиқибди. Аллангага қарамай ичкарига кириб кичик ўғилчасини ҳам олиб чиқибди. Олов шиддати кўпайса-да, яна кириб мушугини олиб чиқибди. Такрор уйга кирибди, бу сафар ҳеч нарсасиз чиқибди. Яна кирибди, лекин қуруқ қўл билан чиқибди. Ҳеч нарса қутқармаса ҳам аёл ичкарига кириб чиқармиш. Одамлар бунинг сабабини сўрашибди.

Шунда аёл: «Қайнонам ташқарига чиқмоқчи. Унинг йўлини тўсяпман», дебди.

Қиссадан ҳисса шуки, ён атрофга меҳрмуҳаббат билан қаранг. Атрофдаги инсонларга нисбатан бағри кенг бўлинг. Одамларга бағри кенг бўлсангиз, ҳар қандай кулфатда сизни биринчи бўлиб қутқаришади. Агар ёмон феълли бўлиб, одамлар сиздан ҳайиқиб турса, уларни

қўрқитиб турсангиз, ёнғин бўлмаган вақтда иззат-ҳурматда бўласиз, лекин бошингизга кулфат тушганда сизга ким ёрдам беради, билмадим.

*Мексиканинг баъзи қишлоқ ҳудудларида иссиқ ва муздек булоқ сувлари бир-бирига яқин жойдан оқиб чиқаркан. Бир куни ўша қишлоққа сайёҳлар борибди. Таржимон уларни айлантириб юриб булоқ бўйида кирларини юваётган аёллар ҳақида гапира бошлибди: «Аёллар кирларини олдин бу иссиқ булоқда ювишади. Кейин ёнидаги совуқ булоқда чайишади». Сайёҳлар бу ҳолатни кўриб: «Бу қишлоқ аёлларига маза экан. Табиат қўйнида яшашади, унинг устига кирларини ювиш учун ҳам табиий шароитлар бор», деб ҳавас қилишибди.*

*– Сизлар ҳавас қилаётган ҳолатга бу аёллар шукр қилмайдилар, – деб сўзида давом этибди таржимон, – улар ҳар кир ювганларида: «Муздек ва қайнот булоқни берган Худо, совун ҳам бермайдими?» деб нолишади.*

Ҳаётингизни салбий фикрлар билан тўлдирсангиз, имкониятлар ва неъматларга ҳам ношукурчилик билан қарайсиз. Ўзингизда бор нарсаларни кўра олмайсиз. Бу ўз-ўзидан баҳтсизлигингизга сабаб бўлади. Ҳаёт сизнинг қайси томондан қарашингизга қараб ўзгаради. Турму-

шингиздаги ўзгариш сизнинг ҳаётга қарашингизга боғлиқ. Ташқарига қараб ҳаётни нопок деб айтган одамларнинг аслида деразаларини чанг босган бўлади.

*Бир одам шифокорга мурожаат қилиб: «Аёлимнинг эшитиш қобилияти пасайган. Фақат ўзи буни ҳеч тан олгиси келмаяпти. Нима қилсанм бўлади?» деб сўрабди. Шифокор жавоб берибди: «Эшитиш қобилиятининг қай дараҷада оғирлашганини билиш учун, бошқа тарафга қараётганида аввал беш метр наридан туриб гапириб кўринг. Агар эшиитмаса икки метрдан, яна эшиитмаса ярим метрлик масофага яқинлашиб гапириб кўринг. Кейин натижани менга айтарсиз», дебди.*

Эри уйига қайтибди. Қараса, аёли қозон кавлаш билан банд. Шифокор айтгандек беш метрдан туриб гапирибди:

– Онаси, бугун нима овқат?

Жавоб йўқ. Икки метр берида туриб:

– Онаси, бугун нима овқат?

Яна жимллик.

Бир қадам яқин туриб:

– Онаси, бугун нима овқат?

Аёл орқасига ўгирилиб, эрига қараб:

– Қайта-қайта палов деб турибман-ку, эшиитмадизми? – дебди.

Ҳаётда ўз камчиликларингизни кўрмаслик, кўришга ҳаракат қилмаслик ҳар нохуш ҳолатда бошқаларни айблашингизга сабаб бўлади. Натижада, хатоларингиз ҳам, нохушликлар ҳам кўпаяверади. Ўз нуқсонларингизни қидириш, кўриш, тузатиш эса сизни комилликка етказади ва ҳаётингизни мазмунли қиласди. Бошқаларнинг мингта айбини кўриб, айблаш сизга бирор фойда бермайди. Ўзингиздаги битта камчилигингизни кўриш, сизни қадрли инсон қиласди.

*Бир хонадонда қайнона ва келин орасида доим келишмовчилик бўларкан. Низолар шу даражага борибдики, охири бир куни келин гиёҳлар сотувчи қариндошига бориб дардини айтибди. «Уни фақат ўлдириб қутулишим мумкин. Илтимос, менга ёрдам беринг», дебди.*

Ёши улуғ сотувчи унга бир ҳовуч кукун бериб: «Бу бир ойда секин таъсир қиласиган заҳар. Буни ҳар куни қайнонангнинг овқатига оз-оздан аралаштириб бер. Лекин доим чиройли муомала қил, табассум билан гаплаш, муросали бўлгин. Шунда у заҳарлаётганингдан шубҳаланмайди», дебди.

Келин қайнонасидан шунчалик безган эканки, сотувчи айтганидек қилибди. Қайнонасинг ҳар таомига ўша кукундан қўшар ва ширин муомала қиласар экан. Орадан бир неча кун

ўтиб келин яна ўша гиёхлар сотувчи қариндошига бориб: «Берган заҳарингизни таъсирини кесувчи бирор дори беринг, илтимос», дебди. Сотувчи сабабини сўраган экан, аёл унга жавобан: «Заҳарлаётганимни сезмасин деб қайнонамга доим яхши муомалада бўлдим. Ҳозир қайнонамнинг менга нисбатан муносабатлари ўзгариб худди меҳрибон онамдек бўлиб қолдилар. Энди у кишини ўлишларини хоҳламайман», дебди. Сотувчи аёл чиройли табассум қилиб, «Сенга берган кукуним аслида оддийгина туз эди. Шу бир ҳовуч туз бугунгача қанчадан-қанча одамларнинг орасини тузатди-я», дебди.

Ўз хато ва камчиликларимизга қарамай, бошқаларнинг айби билан банд бўлганимиз учун феълимиз тор, кўнглимиз қаттиқ бўлиб кетмаяптими? Икир-чикир арзимас ташвишлар билан ҳаётимизни лойқалатмаяпмизми?



Кўриш қобилияти бўлган, лекин ҳаётга ижобий кўз билан қарай олмаган инсондан сўқирроқ одам йўқ.

**Ҳелен Келлер**

Ўтган йилнинг илк кузойларида 25 ёшли бир шоира қиз билан танишиб қолдим. Умуртқа поғонаси болалигида шикастланиб, шифоҳо-

нада даволаниш учун Анқарага келган экан. Мендан Ўзбекистонда асарлари севиб ўқила-ётган бир турк ёзувчисини топишимни илтимос қилди. Ўша ёзувчи билан кўришиш унинг орзуси экан. Хабар олиб ҳар телефон қилганимда, шоира қиз касалхона кўрикларидан бўш вақтида турли зиёратгоҳларда: гоҳ анча масофа узоқликдаги Жалолиддин Румий зиёратгоҳида, гоҳ бошқа вилоятлардаги қадамжоларда эканини айтар эди. Мен бу орада у истаган ёзувчини ҳам топдим. Ёзувчи билан кўришиш учун касалхонадан анча узоқдаги Бурса шаҳрига ҳам борди. Бу шоира қиз сиз-у биз каби ўз оёқлари билан эмас, ногиронлар аравачасида юрарди. Унинг яшашга бўлган иштиёқи, ғайратини кўриб, ойлигим кам, уйим тор, машинам эски, телефоним оддий, бурним пучук, бўйим паст, сочим кам, дейдиганларга ҳайрон бўлиб қарайман. Кенг дунё ҳаётини бунчалик тор, майда, арzon қилиб олмаслик керак.

Ўша шоира қиз бугун орамизда йўқэнди, Худо раҳмат қилсин. Лекин сиз яшаяпсиз, ҳаётдасиз ва арзимас нарсалардан нолиб юрмасдан, ҳаётга кенгроқ қаранг, ўзгаринг.



Нолиб яшаш эртәнги күн ташвишидан бирор нарса камаит ирмаиди. Фақатгина бугунғы күннинг күчини ва мазмунини тұгатади.

**Жозеф Кронин**

Күчага чиқиб одамлар билан сұхбатлашсанғиз, ҳамманинг дарду ҳасрати бор. Кимдир нохақлиқдан, кимдир қимматчиликдан, кимдир бұзилған мұносабатдан, яна кимдир бошқа нарсалардан нөлийди. Сизде фақатгина икки йүл бор. Улардан фақат биттасини танлай оласиз: ё бутун күнни қоронғы хонада үтказасиз, ё ташқаридаги қүёш өрүғига чиқасиз...

*Бир киши үғли билан тоғы тошлар орасида кетишаётган экан. Бола түсатдан қоқилиб тушиб, «А-а-а» деб қичқириб юборибди.*

Шунда тоғлардан «А-а-а» деган товуш эши-тилибди. Бола ҳайрон бўлибди. Қизиқиб яна бақирибди: «Кимсиз?» Унга жавобан: «Кимсиз?» деган овоз келибди.

Боланинг жаҳли чиқиб, «Сиз қўрқоқсиз», деб қичқирибди. Тоғдан овоз келибди: «Сиз қўрқоқсиз». Ҳайратга тўлған бола отасидан нималар бўлаётганини сўрабди. Шунда отаси: «Сени қадрлайман», деб бақирибди. «Сени қардлайман», деган овоз келибди.

«Сен ажойибсан», деб бақирибди ота.

Яна жавобига «Сен ажойибсан», деган төвүш эшиглилди.

Бола ҳалигача нима бўлаётганини тушуммай ҳайрон кузатар экан. Шунда ота ўғлига қараб дебди:

— Одамлар буни акс садо деб атайди. Аслида, бу ҳаётимиз кўзгусидир. Ҳаёт доим сен берган нарсаларни ўзингга қайтаради. Ҳаёт бу хатти-ҳаракатимизнинг кўзгусидир. Мехр хоҳласанг, кўпроқ меҳрли бўлишинг керак! Оқибат хоҳласанг, кўпроқ оқибатли бўлишинг керак! Ҳурмат хоҳласанг, инсонларни кўпроқ ҳурмат қилишинг керак! Одамлар сабрли бўлишини хоҳласанг, ўзинг кўпроқ сабрли бўлишинг керак! Бу қоида ҳаётимизнинг бир бўлаги ва ҳаммага тегишилидир. Ўғлим, шуни унутма, ҳаёт масодифлардан иборат эмас. Ҳаёт бу — сен қилган ишларнинг кўзгусидир!

Ҳаёт сизга туғилганингизда, туғилган кунингизда берилган энг катта совғадир. Агар сиз унинг қадрига етолмасангиз, ҳеч бўлмаганданда унга лойиқ бўлишга ҳаракат қилинг. Атрофга назар ташланг. Одамлар бу ажойиб совғани қандай бузиб ташлашганини кўринг. Сиз ғамташвиш деб нолиб-куйинаётгандарингиз аслида муаммо эмас. Тарихни ўқисангиз, ҳатточи уч минг йил олдин битилган тошдаги қадимиий

ёзувларда ҳам яшаш оғирлиги ва нарх-наво қимматлиги ҳақида ёзилган. Бүгүн сиз нималардан ташвиш қилиб, үзингизни қийнаётган бўлсангиз, худди ўша нарсаларни беш юз йил аввал ёзилган асарларда ҳам учратамиз. Ҳаётдаги қора нуқтани эмас, катта оқ саҳифани кўринг. Ҳаётингиздаги ёруғликни кўриш учун сиз албатта зулматли кунларни кўришингиз шарт эмас. Сиз мазмунли яшашга лойиқсиз! Шундай яшашга интилинг. Ҳаётга ижобий ва чиройли қаранг, қадрдоним. Чунки, бошқача қарашга асло ҳаққингиз йўқ.



*Аслингизни тан олинг – шу етарли. Ўз аслингиздан мамнун ва баҳтли бўлмас экансиз, эга бўлган матоҳларингиз билан ҳам баҳтли бўйолмайсиз.*

*Генри Бергсон*

## ШАХСИЯТ

---

Қанчадан-қанча инсонлар ўзининг  
асл қиёфасидан бошқачароқ  
кўринишига ҳаракат қилиб бутун  
умрини фидо қиласди.

**Ричард Уилкинс**

*Танаффусдан сўнг талабалар шовқин-сурон  
кўтараётган хонага ўқитувчи кириб келди.  
Талабаларга битта-битта қараб чиқиб, дос-  
кага катта қилиб, 1 рақамини ёзди.*

– Диққат қилинглар, бу шахсиятдир. Яъни,  
сиз эга бўлишингиз керак бўлган энг муҳим  
нарса, – деди.

*Кейин 1 нинг орқасидан 0 ни ёзди.*

– Бу эса омад. Муваффақиятлар 1 нинг ёни-  
да 10 бўлади. Сўнг кетидан яна 0 ни ёзиб, деди:

– Бу тажриба. 10 бўлган ҳолатда тажриба  
билан 100 бўлади. Ноллар шу каби кенгайиб ке-  
таверади. Қобилият, режа, меҳр ва бошқалар  
ҳар янги нол бўлиб шахсиятни ўн баравар бо-  
йитиб бораверади.

Шундан сўнг ўқитувчи қўли билан илк ёзил-  
ган бир рақамини ўчиради. Шунда доскада  
фақат ноллар қолади. Шунда ўқитувчи:

— Агар шахсиятингиз бўлмаса, қолганлари-нинг қиймати қолмайди.

Талабалар бу гапнинг маъносини тушуниб, сукунатда дарсни тинглай бошлашди.

Мустаҳкам ва кучли шахсият умр йўлингиздаги энг катта чироғингиздир. Шуни аниқ билинг, ҳаётдан завқланиб яшашингиз ва муваффақиятларга эришишингизда дуруст шахсиятингиз ақл-заковатингиздан ҳам мұхимроқ. Бугун ақлли инсонга эмас, ҳалол ва тўғри инсонларга эҳтиёж бор. Чунки, атрофга қаранг, ҳамма жойда ақлли одамлар тўлиб-тошиб ётибди. «Буни алдасаммикан, шуничув туширай, бундан ўғирлай, порани қанақасига олай», дейдиган билимдонлар ҳамма соҳада кўп. Фикримни нотўғри деб ҳисобласангиз, мулкни талон-торож қилиш, одам савдоси, пора ва бошқа жиноятлар бўйича дунёда қайси ўринда эканимизга қаранг. Биз муваффақиятларга ҳақиқатан ҳам эришишини истасак, жамиятимиз ривожланишини хоҳласак, ишончли ва мустаҳкам шахсиятга эга бўлишимиз керак.

*Бир одам ҳафта давомида ишлаб дам олиш кунини мазмунли ўтказиш учун ҳовлига чиқиб китоб варақлай бошлади. Шунда кичик ўғли ёнига келиб:*

– Отажон, бугун боқقا айлангани олиб боринг, – деб илтимос қилди.

– Албатта олиб бораман, ўғлим. Фақат сенга бир вазифа бераман. Уддаласанг, кейин кетамиз, – деб, бир китобдан дунё харитаси саҳифасини йиртиб, майда-майда бўлакларга бўлди. Кейин уларни ўғлига бериб: – Мана шу харитани йиғиб тиклагин, кейин албатта олиб бораман, ўғлим, – дебди.

Ўғил иштиёқ билан харита парчаларини олиб хонасига кириб кетибди. Ота эса бу парчаларни география ўқитувчилари ҳам тиклашига анча вақт кетса керак, деган хаёл билан китоб ўқишда давом этибди.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, ўғли отасининг ёнига югуриб келиб:

– Мана, отажон, йиғиб бўлдим. Энди боқقا кетамизми? – дебди.

Ота ажабланиб қараса, ўғли ҳақиқатан дунё харитасини тўғри шаклда йиғибди. Ўғлидан буни қандай тез уддалаганини сўраганида, у шундай жавоб берибди:

– Менга берилган харита бўлакларининг орқа тарафида инсон расми бор эди. Инсон шаклини йиққанимда дунё харитаси ўз-ўзидан бутун бўлди.

Биз инсонийлигимизни, шахсиятимизни тикласак, дунё ўз-ўзидан яхшиланади, тикла-

нади. Таниган-билганингизни бир элақдан ўтказиб кўринг. Унчалик ақлли бўлмаган, лекин ишончли кишилар, жуда ақлли, аммо ишончсиз одамлардан кўра яхшироқ эканини кўрасиз. Уларнинг ҳаёти ҳузур-ҳаловатга тўла. Эришган натижалари, ҳурматлари ҳам юқори. Чунки улар ишончлидир. Улар ёнидаги дўстларини, елқадошларини, ҳамкорларини, иймонини сотмайди. Бугун Ватанимизнинг ақлли ва қобилиятли инсонлардан кўра кўпроқ тўғрисўз, ҳалол ва ишончли инсонларга эҳтиёжи бор.

*Бир одам баланд бинонинг томида иш қилатуриб, бехосдан оёғи тойиб, пастга қулай бошлабди. Шунда чорасизча: «Эй Худо, мени қутқар, бир марта имкон бер. Энди ичмайман, чекмайман, ёмон йўлга юрмайман, ёрдам бер, илтимос...» деб нидо қилибди. «Гуп» этиб ерга тушибди. Қараса, бир уюм сомонлар устида ётганмиш. Ўрнидан туриб, уст-бошини қоқар экан: «Эҳ, одам қўрққан вақтида ҳар нарсани валдираивераркан-да», дермиш.*

Баъзи инсонлар ҳеч ўзгармайди. Гоҳ ўзгаргандек кўринса-да, бу ўткинчи бўлади. Юзаки ўзгаргандек бўлиб, кўп ўтмай яна асл ҳолига келади. Чунки улар ўзларини чин дилдан ўзгартиришга эҳтиёж сезмайдилар.

Хато ва камчилик-ларини кўрмайди.  
Ёки барча ёмон феъл ва сифатлари билан ўзларини севади.  
Дунёдаги энг яхши инсон деб фақат ўзини ҳисоблашади.  
Уларга бутун дунё одамлари йиғилиб ёрдамлашса ҳам фойдасиз.

Ўз асл шахсиятидан бошқа одамдек бўлиб кўринишга ҳаракат қилиб яшашидан ортиқроқ баҳтсизлик йўқ.

**Ангело Патри**

Одамларга назар солинг, ўз аслича кўринган ва рол ўйнамаётган нечта инсон бор экан? Эътибор берсангиз, ҳамма қандайдир роль ўйнаётган бўлади. Кимнингдир соч турмаги, кимнингдир юриши, кимнингдир туриши, кимнингдир сўзлашув услуби ўзиники эмас. Машҳур, бой, обрўли қайсиdir бошқа одамдан кўчирилган улар. Қийналиб бўлса ҳам, ҳаммага кўз-кўз қилиш учун энг қиммат телефон оламиз, тақинчоқлар, кийим-кечаклар... Ўзимиз чин дилдан буларни хоҳлабми? Йўқ, фақатгина роль учун. Сизда ҳам шундай, тўғрими? Доим аслингиздек, ичингиз ва ташингиз бир бўлишнинг иложи борми? Менимча, қийин. Чунки атрофдаги инсонларни, реклама, кино, интернетни кузатиб зеҳнингизга сингдирилгани шу – фақатгина кийган кийимингиз, қўлингиздаги телефон,



Сизда бор бўлган нарсалар, сизнинг қанчалик бой эканлигинизни белгиламайди. Аксинча нималарга муҳтожлигингиж савиянгизни ва даражангизни белгилайди.

### Афлотун

таққан соатингиз, фойдаланган буюмларингиз ва машинангиз даражангизни белгилайди. Ота-онангиз оддий ишчи бўлиб, сизни асраб-авайлаб, мashaққатлар билан чиройли тар-

биялаган бўлса ҳам, бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Кийимингиз, матоҳингиз арzon бўлса, сиз ҳам арзимассиз!

Сизнинг янги телефон ишлатишга эҳтиёжингиз йўқ. Лекин охирги чиққанини олиш учун уриниб, чиранасиз. Олишга қурбингиз етмаса ўкиниб, ўзингизни баҳтсиз ҳис қиласиз. Шуни унутманг, янги чиққан буюм ва кийим сизни баҳтли қилолмайди. Хурсанд бўлиб юришингиз мүмкин, то навбатдаги янгиси чиққунигача. Сизни ўзингиз сезмаган ҳолатда кимўзар пойгасига тарғиб қилишади. Сиз эса бу ҳийлага учиб, фаол қатнашасиз. Пойга тугаб, ортга қараганингизда, умрингиз бекор кетганини кўрасиз. Асло бу ҳирс ўйинларига алданманг. Инсонларнинг эътиборини тортиш, уларга ёқиш, улардан устун кўриниш учун бебаҳо ҳаётингизни қурбон қилманг.

Атрофингизга қаранг, интернетдаги сиз ҳавас қилган инсонларга қаранг, фильмларда күрсатилаётган порлоқ дунёга қаранг, қанчадан-қанча кийимлар, соатлар, сумкаларни күрасиз. У матоҳларнинг ичидаги одам дейишга арзийдиганлари бормикин?

Ҳаётингизни интернетдаги одамлар, машхурлар ёки фильм ва сериал қаҳрамонларига тақлид қилиб ўтказаётган бўлсангиз, бу ўзлигинизни йўқотганингиз билан баробардир. Чунки уларга тақлид қиляпсизми, демак, улардек яшаш тарзига кўникяпсиз. Улардек кийиняпсиз, еб-ичяпсиз, улардек фикрлаяпсиз. Шундай қилмасангиз ўзингизни яхши ҳис қилмайдиган ҳолга келгансиз. Одамлар талаб қилган, уларга ёқкан, улар ҳурмат қилган, улар олқишлигаран ўша ролларни ўзингизга лойиқ билиб яшашингизнинг оқибати фалокат. Ташки кўринишни муҳим ҳисоблаб кўз-кўз қилишга ундовчи оламингиз сизни еб битиради. Шунинг учун аслингиз бўлинг. Ўзингиздан уялманг. Ўз камчиликларингиз устида изланинг ва доим борингизча яшанг. Сизнинг ташки кўринишингиз ва буюмларингиз учун ҳурмат қилувчилар, сизнинг юқори нати-

Шундай инсонларни кўрдим устида кийими ўйқ. Шундай кийимларни кўрдим, ичидаги инсони ўйқ.

**Жалолиддин Румий**

Пул ҳамма  
эшикларни очади,  
дейдиган инсонлар  
пул учун ҳар нарсага  
тайёр бўлади.

**Жорж Севил**

жаларга эришишингизга ёрдам бермайди. Инсонийлигингизни, аслингизни кўра оладиганлар ва қадрлайдиганлар билан бирга бўлинг.

Бу ҳаётда ҳамма нарса пулга боғлиқ эмас. Умримиз фақат пулга боғланниб қолган эмас. Атрофингизда турли инсонлар бор. Баъзилари жуда айёр, устингиздан ҳатлаб ўтиб бўлса ҳам юқорига интилади. Улар ёнидаги дўстини, шеригини, ҳатто қариндошларини ҳам алдаб чув туширади. Уларнинг мақсади фақатгина пул. Пул уларнинг ҳаётдаги энг муқаддас нарсасига айланиб улгурган. Бу йўлда турли қиёфаларга киради. Қошларининг тагидан очкўзлик қайнаб туради.

Яна шундай одамлар борки, сиздан фойда, манфаат келиб тургунча ва пулингиз бўлгунча сизнинг қадрдан дўстларингиз бўлиб туришади. Гапларингизни маъқуллаб, мақтаб, сизни жуда яхши кўришади. Сиздан манфаат тугаган вақтда ёки қийин кунларингизда сизни тарк этишади...

Сиз доим аслингизча қолинг. Сизга баҳт, омад, ютуқ бўлиб кўринаётганлар аслида нима эканини мулоҳаза қилинг. Асло ўзингизни бошқа инсонлар билан солиштирманг. Агар ўзин-

гизни бошқалар билан солиштириб яшасангиз, оқибатида ё баҳтсиз бўласиз ё ўзингизни жуда севувчи. Чунки ҳар доим атрофингизда сиздан яхши сифатларга ёки сиздан ёмонроқ сифатларга эга инсонлар бўлади.

*Бир кишининг уйида телевизор ишламай қолибди. Таъмирчини чақиритиришибди. Таъмирчи келиб, телевизорнинг қопқоғини очганида, ичидаги майдаги нон ушоқлари ва сув томчиларини кўришибди. Албатта, буни ким қилгани аниқ: оиласинг беш ёшли шўх қизи қилган. Ота қизини уришмай, сўкмай, чиройли усулда бунинг сабабини сўрабди. Қизалоқ экранда ўзига тенгдош болаларни оч-яланғоч кўрганидан кейин, ошхонадан нон олиб, уни майдалаб, телевизорнинг орқасидаги тешикдан ташлаган экан.*

Болаликнинг асл беғуборлиги, ғам-ташвиш нима эканини билмасликда эмас, балки аслича кулиб, борича йиғлаганида! Ички яхши-ёмон ҳисларини яширгаганидадир. Биз катталар эса вақт ўтган сайин ўз устимизда ишлаб, шахсиятимизни шакллантиришни эмас, кўпроқ роль ўйнашга берилиб кетганимиз. Ўзингизга турли шу каби саволларни беринг: «Бадавлат инсон билан кўчада нон сотаётган инсонга бир хилда муомала қиласизми?», «Мансабдор бир инсон

билин күчаларни обод қилаётган фаррош ора-  
сида қандай фарқ бор?», «Ўша лавозимдан кет-  
ган бўлса-чи?», «Дўст-қариндошларингиздан  
бирортасининг юзига кулиб, уч қадам нари кет-  
са, бошқаларга айбини гапирдингизми?» Ўзин-  
гизни сарҳисоб қилиб қўринг.



Бугунги кунда энг кўп роль ўйнаб, кўз-кўз қилишга кенг имконият қаерда? Ижтимоий тармоқларда! Бугун интернет ривожланганидан сўнг, бу сизга янада осонлашди. Оила аъзоларини, еган овқатини, спорт машғулотини, таътилини, зеб-зийнатини, кундалик ҳаёту ҳатто чўмилишигача бемалол кўз-кўз қилиш оддий ҳаёт тарзига айланиб қолди. Бу ҳол расмларга кўзи тушган ота-онасиз фарзандларнинг, фарзанд кўролмай эзилган оналарнинг, ёрдам кутган муҳтож ва ногиронларларнинг дилига оғир ботмасмикин, кўнгли вайрон бўлмасмикин, нима деб ўйлайсиз?

*Ипакчилик билан шуғулланувчи оиласнинг фарзанди бўлган бола ипак қуртларини парваришилаш, боқишидан ҳам кўпроқ уларни кузатишга қизиқарди. Баҳорни кутар ва ипак қуртлар қандай пилла қилишини томоша қиларди. Ипак қуртлари пиллани ёриб чиқаркан, уларнинг чираниб қийналишини кўриб жуда ачинар экан. Ўғлининг бу ачинишига кўзи тушган ота шартта қайчини олибди. Ипак қурти ташқарига чиқишини қийинлаштираётган толаларни кесибди. Кейин ғалати ҳолат юз берибди. Ипак қурти кўп ўтмай ўлиб қолибди. Шунда ота ўғлига қараб шундай дебди:*

– Ўғлим, бу қурт пилладан ташқарига тўсиқларни ёриб чиқаётганида сарфлаётган

куч-қуввати сабабли танасидаги заҳарларни чиқариб юборади. Агар бу заҳар танасидан чиқмаса қурт ўлади. Қийналиши, чираниши орқали танаси пишади, кучга тўлади ва қанотлари ривожланиб, капалак бўлиб учади.

Инсонлар ҳам янада кучли, янада чидами, янада иродали бўлиши ва ўз мақсадларига етиши учун рўпарасидан чиққан қийинчиликлар билан курашиб улғаяди, шаклланади, ривожланади ва кучли бўлади. Агар инсонлар ҳамма орзу-умидига осон эришса, феъл-табиати заифлашиб, ичида нималардир жонсиз бўлиб қолганини ҳис қиласди.

Кучли ва мустаҳкам шахсият шаклланиши учун яқин дўстларингиз, айниқса, оилангизнинг катта меҳнати ва ёрдами керак бўлади. Чунки ўзингиз бирданига қарор бериб, эртасигаёқ кучли шахсиятга эга бўлиб қолмайсиз. Худди ипак қурти пилладан чиқиши каби бироз вақт керак бўлади. Ишончли ва қатъиятли шахс бўлиб етишишда бошқаларга тақлид қилмасдан аслингизни сақлаган бўлишингиз жуда муҳимдир.

Донишманд олдига ўз устида қаттиқ ишилаётган бир йигит келибди. У тинмай гапирав, барча олган билимини битта-битта айтиб мақтанаар, кўп нарсалар қўлидан келишини тушунтиришга ҳаракат қиласди.

*Донишманд йигитнинг ҳамма гапларини сабр билан эшитиб, кейин шундай дебди:*

*– Роса ҳаракат қилганинг кўриниб турибди.*

*Ҳаёт ва инсонлар билан боғлиқ кўп нарса ўрганибсан. Лекин, шунча айтган гапларингни ҳеч бири ўзингни эмас. Ҳаммаси бошқаларнинг тушунчалари ва фикрлари. Сен уни турли инсонлардан эшитиб ёдлаб олгансан. Ҳар айтган гапларинг ортида бошқа одамлар турибди.*

*Йигит хижолат бўлиб бошини эгибди. Нима дейишини, нима қилишни билолмай қолибди. Кетайми, шу ерда турдайми, деб иккиланиб атрофга талмовсирабди. Шунда, ёнларидағи ҳовуз четида турган қурбақага кўзи тушибди. Йигит кўзлари билан уни кузатар экан, қурбақа сувга сакраши биланоқ «оп-па», деб юборди. Донишманд жилмайиб дебди:*

*– Мана, ниҳоят, ўзингга тегишли сўз айтинг. Ана энди давоми келиши мумкин.*

Ўз фикрингизни шакллантиринг. Кўпроқ китоб ўқинг. Расм чизиш ёки уйча қуриш каби хоббиларга одатланинг. Ҳаёт ҳақида тажриба орттиринг. Дунёга кенгроқ назар ташланг. Дунё фақат сиз яшаётган маҳалладан иборат эмас. Кучли ва мустаҳкам шахсиятингиз бўлсин. Энг асосийси, руҳим бормикин деб ўйламанг. Сиз шундоқ ҳам руҳсиз. Танангиз, кўринишингиз ҳақиқийми, шу ҳақда қайғуринг!

*Агар ичингиздан «сен расм чизолмайсан»  
деган овозни эшилтсангиз, ҳеч нарсага парво  
қилмай расм чизинг. Шунда ўша овоз ўчади.*

***Винсент ван Гог***

## ИЖОДКОРЛИК ВА ИХТИРОЧИЛИК

---

*Омадга эришган барча инсонлар, ти-  
ришқоқлик билан қуладай мұхитни қидир-  
ган, тополмагач, уни үзлари вұжудға  
келтирған кишилардир.*

***Бернард Шоу***

Ижодкорлик ва қашфиётчилик бошқаларға нисбатан үзгача қараш ва фикрлашни талаб қиласы. Айнан шу қобилият сизнинг қийинчиликтің йүл топиб муаммоларни ҳал қилишингизде фойда беради. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида синовлар сабабли боши берк күчага кириб қолғанида, Архимед каби «Эврика!» деб янги йүл, үсул ва чора топишга ҳаракат қилиши унинг истеъододи, ижодкорлиги ва қашфиётчилигидан даражада. Бу қобилиятынгиз орқали янги үсул ва қадамлар билан мұваффақият ва самара-дорликка эришасиз.



Ижодкорлик ва қашфиётчилик қобилиятим олдидағы энг күттә түсік бу – олган таълимимдир.

**Алберт Эйнштейн**

Болалардаги ижодкорлик қобилиятини қандай йўқ қилинаётганига мисол келтираман. Масалан, биз болани боғчага берамиз. Тарбиячи унга расм чизишни вазифа қиласди. Болада рапортларни осмонга, булутлар устида қилиб чизади. Шунда тарбиячи, осмонда дараҳт бўлмаслигини уқтиради. Болакай энди осмондаги гулларни чизади. Тарбиячи бу сафар ҳам гулларни ерда ўсишини айтади ва шундай чизиш кераклигини уқтиради. Бола гулларни ерга чиза бошлайди. Гулларга бу сафар кўз, бурун ва оғиз чизади. Тарбиячи яна гулларда кўз, бурун, оғиз бўлмаслигини тушунтиради. Гулларнинг аслида қандай бўлиши кераклигини чизиб кўрсатади. Бир чўп, чўпни устида тўртта думалоқ ва иккита япроқ чизади.

Ўша кундан бошлаб бола доим бир хил гулни чизишда давом этади. Чунки унга қолип белгиланиб қўйилди. Бола энди чегарадан чиқолмайди.

*Боғчада тарбиячи ҳамма болаларни йиғиб, катта оқ қоғоз ўртасига бир қора нуқта чизибди. Кейин:*

- Болалар, бу нима? – деб сўрабди.
- Қорда юрган чумоли...
- Ҳамир устидаги қийма...
- Шакарга қўнган пашиша...

*Болалар мактабга қатнай бошлабди. Орадан уч йил ўтгач, яна катта оқ қоғозга бир нуқта чизиб болалардан сўрашибди.*

*Болалар бир овоздан жўр бўлиб:  
– Қоғозда нуқта бор! – дейишибди.*

Таълим мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилайдиган жуда муҳим воситадир. Дунёдаги баъзи давлатларда, бир хил фикрловчи инсонларни етиштириш учун илк таълим давридан бошлаб ҳаракат қилинади. Бугунги даврга келиб, дунё таълим тизими маълумотларни сақлаб қоладиган билим омборини эмас, фикрловчи, муҳокама қилувчи, танқид қилувчи, ижодкорлик ва ихтирочилик хусусиятларини шакллантиришга эътибор қарата бошлади. Биз ҳам ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишни хоҳласак, мактабларимиздаги таълим тизимини ислоҳ қилишимиз, болаларга маълумотларни ёдлатиш ва уларни тест тизими билан қолиплаш ўрнига уларнинг ижодкорлик, ихтирочилик қобилияtlарини шакллантиришга диққат қаратишимиз керак.

Аслида, таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам болаларнинг ижодкорлик ва ихтирочилик қобилиятини ривожлантириш, жамиятга фойда берадиган ва ўз имконият, қобилияtlарини энг юқори даражада шаклланишида ёрдам беришdir.

Италияда бошланғыч синфга қатнайдиган болаларга то уч йилгача асосий дикқат-эътибор унинг ўқиши ва ёзишига эмас, аксинча, болаларнинг ўзига нисбатан ишонч ва мустақил фикрлашини шакллантиришга қаратиласди.

Норвегия мактабларида саккизинчи синфгача ўқувчиларга баҳо қўйилмас экан. Чунки ҳар бир боланинг ўзига яраша турли йўналишда қобилиятлари бор. Уларни аниқламай, шакллантирмай туриб, умумий қолипда баҳолаш уларнинг зеҳни ривожланишидан воз кечиш деганидир. Ўйлаб кўринг, балки шунинг учун санъатдан то саноатгача барча соҳаларда улар кашф қилувчи ва ишлаб чиқарувчи, биз эса истеъмолчи ва кўчирувчи бўлиб қолгандирмиз?

*Бир эшикнининг қулфини арра билан кесаётган ўғрини ёши улуғ қария кўриб қолиб:*

– Ўғлим, нима қиляпсан? – деб сўрабди.

*Ўғри:*

– Скрипка чалишини машқ қиляпман, – дебди.

*Шунда қария ажабланиб:*

– Скрипка машқингда овоз чиқмаяпти-ку, – деганида, ўғри шундай дебди:

– Бу скрипкада овоз кейинроқ чиқади.

Таълим тизимининг таъсири ҳам кейинроқ кўринади. Бугунги кунда жамиятда нимаики

камчилик күрсангиз, сабабини ўқув масаласи билан боғлашингиз түғри бўлади. Кейинги ҳаётимиз фаровонлиги учун аввало бугун таълим тизимини яхшилашимиз керак. Таълим фақатгина аниқланган маълумотлардан ташкил то-пмаслиги керак. Аниқ маълумот ва уларни ёдлаш билан болаларга таълим берилса, уларнинг ижодкорлик ва тасаввур қилиш қобилияти йўқ қилинади. Таълим дастурларида, имтиҳонларда биринчи навбатда аниқ фан ва математикага кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу билан ақл ва билим даражасининг энг катта мезони бўлган ижодкорлик ва ихтирочилик қобилияти вақт ўтиши билан пасайди. Шунинг учун инсонлар ҳаёти давомида дуч келган муаммоларни ҳал қилишда оддий ечимларни ҳам қолипланган дунёқараши сабабли кўролмайдиган ҳолатга келиб қолади.

*Бир бола дўйконга тухум олиш учун кирибди. Сотувчи болага майдада майдада тухумларни танлаб берибди. Бола сотувчига дебди:*

– Нимага менга энг кичик тухумларни танлаб беряпсиз?

– Кўтариб кетишингга осон бўлсин дейман-да, жиян, – дебди сотувчи.

*Бола тухумларни олиб, сотувчига камроқ пул бериб чиқиб кетаётса, ортидан сотувчи бақирибди:*

– Ҳой, бола. Берган пулинг кам-ку!  
– Санашингизга осон бўйсин дедим-да, амаки...

Инсонларга аниқ маълумотларни сингдириш тарғибот деб аталади. Инсонларнинг ижодкорлик ва кашфиётчилик қобилиятларини шакллантириб билим ўргатиш усули эса таълимдир. Мактабларда ўзгариб турувчи маълумотларни тарғиб қилмай, улардаги кашфиётчилик ва мустақил фикрга эга бўлишни шакллантира олсак, жамиятдаги барча муаммолар ўз ечимини топа бошлайди. Бундай улғайган инсон ким нима деса оғиб, алданиб қолмайди. Ўзини, танасини, иймонини, Ватанини сотмайди. Ўз халқини ва Ватанини онгли равища идрок қилиб севади. Ватанпарварлик шиорларини тилида ёдлаб, пора олувчи, ёмонлик қилувчи инсонларга ўхшамайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга қарайлик. Уруш тугаганда, биз ғолиблардан эдик. Япония ва Жанубий Корея мағлуб, хонавайрон вазиятда эди. Бизнинг мактабларда ўша давр авлод вакилларига бошқача билим берилган. Мен тенги авлод эса мактабларда умуман бошқача таълим олган. Бугунги мактаб ўқувчилари яна ҳам бошқача маълумот ёдлаётганига ишончим комил. Бизда турли авлод вакиллари ўз даврида олган билимлар бўйича, қайсиниси тўғрилиги устида тортишиб юрган бир вақтда,

Иккинчи жаҳон урушининг мағлуб давлатлари таълим тизимини, ёшларнинг ижодкорлик ва кашфиётчилик иқтидорларини шакллантиришга қаратгани учун ҳам дунёда етакчи ўринга чиқиб олди. Ўйлаб кўриб ўзингиз ҳам солиштириng. Етмиш йил аввалги вайроналару қашшоқлиқдаги Япония ҳамда Жанубий Корея ва уларнинг бугунги куни.

*Бўталоқ онасидан сўрабди:*

- Онажон, нега бизда ўркачлар бор?
  - Чўл жазирамасида сувсизликка бардош беришимиз учун.
  - Она, нега бизнинг туёқларимиз бунчалик кенг?
  - Оёқларимиз қумга чўкмаслиги учун.
  - Она, нега бўйнимиз бунчалик узун?
  - Чўлда олис масофаларни кўра олишимиз учун.
- Бўталоқ ўйланиб қолди. Бироздан кейин яна сўради:
- Онажон, унда биз бу ҳайвонот боғида нима қилиб юрибмиз?

Бугунги кунда атрофимизда кўплаб қобилиятли ва зеҳнли шундай инсонлар борки, ҳайвонот боғидаги тұялар каби ўз мутахассисликлари түғри келмайдиган бошқа соҳаларда хизмат



*Мия тананинг аъзоси сифатида яхши шаклланган ва унга тўғри йўналишида таълим берилиши – мукаммал дараҷада экилган уруғнинг юз баробар ортиғи билан ҳосил бериши кабидир.*

**Жулиан Ла Метри**

қилиб юришибди. Балки ўз соҳаси ва йўналишида фаолият юритганида жамиятга кўпроқ фойда келтирган бўлармиди?!

Таълим услубимиз сабаб бугунги ёшларда жуда

кучли хотирада сақлаш ва ёдлаш қобилияти шаклланди. Лекин ўйлаб кўринг, ўз фикрига эга бўлиш, фикрини ифодалаш, кашфиётчилик, омма олдида гапириш, ўзига ишонч масалалири бўйича таълимнинг ҳиссаси бўлдимикин?

Биз ўз ақлимиизни тўғри шакллантириб, йўналтира олсак, тезда дунёдаги энг тарақкий этган давлатлардан бирига айланамиз. Чунки юртимиздаги инсонларнинг ақл салоҳияти юксак. Бир тарафдан, тўрт фасл ўз ўрнида келиши сабабли миямиз доимий фаолликда бўлади. Яна бошқа тарафдан минтақамиз Буюк Ипак Йўлининг савдо маркази бўлгани учун одамларимиз уддабурон. Ўзим билган ҳолда, «биздаги бу неъматдан тўғри ва унумли фойдаланайлик, боғчадан бошлаб болаларимизни, бўлажак энг кучли олимларимизни ижодкорлик ва ихтирочиликка қаратилган усул ва дастур орқали шакллантирайлик, тарбиялайлик», демоқчиман. Сиз

фойдаланаётган транспортдан тортиб то оддий пиёлагача бўлган ҳар нарсани ихтиро қилиб, дунёдаги жиддий ўзгаришларни қилган кишилар айнан ижодкорлик ва қашфиётчилик қобилиятига эга кишилар бўлганлигини унутмайлик.

*Бир bemor кўп йиллар давомида икки қўлини бир-бирига ишқалаб кунини ўтказар ва ҳеч ким билан гаплашмас экан. Ҳеч кимга эътибор бермай фақат шу ишини давом эттирас экан. Психиатр Айлин Радомисли bemornинг қўлига бир бўлак лой бериди. Бемор ўзи сезмаган ҳолда лойдан бир шакл ясад қўйибди. Кейин турли ҳайкалчалар ясай бошлабди. Касали ҳам тузала бошлабди.*

*Демак, ҳар бир инсонда яширин ижодкорлик қобилияти бўлади.*

Масалаларга чора ва ечим топиш ҳамма соҳада керак. Бунда сизга ижодкорлик ва ихтиро-чилик қобилияtingиз йўл кўрсатади. Сизнинг ижодкорлик даражангиз ақлий заковат ва ҳиссий заковат билан чамбарчас боғлиқ. Миядан янада самарали фойдаланиш, миянинг



Шу аниқки, болани эркин ва ўз хоҳиши билан бирор нарса қилишдан тўсишимиз оқибатида уни қўрқоқ, қул даражасига туширамиз.

*Мишель де Монтен*

ижодий қобилияларини очиб бериш мұхим.

Миянинг мұйжизавий дүнёси ўн икки миллиард асаб ҳұжайраларидан иборат. Мия ҳұжайраларининг бир-бири орасидаги фаол боғланишлар дунёдаги барча телефон тизимидағи алоқаларга нисбатан 1300 – 1400 марта күпдир. Бир ҳақда фикрлаганингизда ёки үйлаганингизда мияда юз минг кимёвий реакциялар рүй беради.

Дунё тинчлик ва фаровонлилкка эришиш учун янгича усулдаги ихтиро ва ижодкорликка мослашған, ҳар бир үқувчини алоҳида шахс сифатида шуғулланувчи таълим тизимиға эхтиёжи бор. Чунки ёзувчи ёки бастакорлик қобилияти билан туғилған бир үқувчи математика билан ўзини йўқотади. Катта математик бўладиган олим-үқувчининг зеҳн савияси тарих билан пасаяди. Таълим ҳар бир қобилиятили үқувчига алоҳида муносабатда бўлмаса, жамиятда чалкашликлар вужудга келади. Баъзи оз сонли үқувчилар ҳаёти давомида ўзини шакллантириб, ривожланиши ҳисобга олинмаса, асосан, кўпчилик бу чалкашликтан ўзини йўқотади ва бир умр ўзини баҳтсиз ҳис қилиб яшайди.


Ёши катта инсонлар ҳам ўзини болалардек тутиб, муаммолар гирдобида кўмилиб ётиши, начорлиги балки шундандир. Сиз ўзингиздаги ҳар доим ёрдам берувчи ва сизни қўллаб турувчи ижодкорлик ва кашфиётчилик қобилият-

ларингизни қандай ривожлантиришингиз мумкин? Бунинг учун:

- Олдингиздаги ҳар бир мавзу ва масалага қизиқинг.
- Ҳар бир мавзу ва масалани суриштиринг ва түғри ёки нотүғри эканини текширинг.
- Турли тажрибалар ўтказишга ҳаракат қилинг. Масалан, ошхона ҳам сиз учун ажойиб лаборатория.
- Тасаввур ва фантазияларга вақт ажратинг. Ажойиб фантазияларингизни сўз билан ифодалашга ҳаракат қилинг.

Зеҳнингизни ривожлантиринг. Янгиликларга, янги фикрларга чанқоқ бўлинг. Янги фикрлар ва янги ишлар кашф қилиб, ундан фойдаланишга интилинг. Худди шу хусусиятга эга дўстлар билан бирга бўлишингиз сизга жуда фойдали. Турлича қараш ва фикрларга эга инсонлар бир жойга йиғилганида ажойиб кашфиётлар ва фикрлар ижод қилинади. Ҳар куни сиз фойдаланаётган нарсалар қачонлардир кимнингдир кашфиёти ва фикри бўлган. Кеча инсонлар эшитганида кулган, калака қилган ёки ғалати туйилган ихтироларнинг бугунги ҳаётимиизда фаол ўрни бор.

Ижодкорликнинг чегараси йўқ. Ижодкорлик ва кашфиётчилик бир умр ёруғлик таратувчи, сизга турли ҳолат ва муаммоларда оддий ва ажойиб ечимлар кўрсатувчи яширин қобилияtingиздир.



*Хаётда энг завқли иш бошқаларнинг  
«эплолмайсан» деган ишларини амалга  
оширишдир.*

**Уолтер Бейжет**

## МАТОНАТ

---

*Варрак шамол йұналиши билан әмас,  
шамолга қарши тұра олғани  
учун юқорига күтарилади.*

**Уинстон Черчилл**

Хәётнинг әнг қийин фурсатларида инсонга күч бағишлийдиган нарса бу матонатдир. Матонат руҳият билан боғлиқ. Агар руҳиятингиз күчли бўлса ҳеч нарсадан қўрқманг! Аксинча, руҳиятингиз нозик, заиф бўлса, дунёга машҳур Англиядаги Оксфорд университетини битирсангиз ҳам, Билл Гейтснинг шахсан ўзи сизга семинар ўтиб берса ҳам, талабалик вақтида «Facebook» дастурини тузиб, шу орқали бугун 60 миллиард доллардан кўпроқ бойлиги бўлган Марк Цукерберг сизга муваффақият ҳақида барча сирларини айтса ҳам – бефойда! Биринчи қийинчиликдаёқ ҳаммасидан воз кечиб, ҳаётда олдингизга қўйган мақсадларингизга ҳеч қачон эришолмайсиз. Чунки, матонатсиз инсон биринчи қийинчиликдаёқ тўхтайди. Интилиш, уриниш, чора топиш ўрнига, ўтиришни танлай-

ди. Ташқаридан сизни ҳар қанча қўллаб-қувватлашса ҳам, асл иродали руҳият инсоннинг ичидаги шаклланади, пишади. Умримиз давомида ҳар биримизнинг албатта синовли, қийин кунларимиз бўлади. Ўша кунларни енгиб ўтишда сизга энг кўп ёрдамчи бўладиган нарса – бу сизнинг кучли, иродали руҳиятингиз ва матонатингиздир.

Кўпинча, инсонлар амалга ошираётган ишларида кичик тўсиққа дуч келганида, ҳаммасидан воз кечишга мойил бўлади. Аслида, қилиниши керак бўлган асосий иш – шаштидан қайтмай жасорат билан давом эттиришdir. Муваффақиятли инсонларнинг бошқалардан ажralиб турадиган сифати айнан шу ерда. Улар мақсадларига бутун

диққатларини қаратиб, шижкот билан ҳаракат қилишади. Йўлидан чиқадиган ҳар қандай тўсиқ уларнинг янада кўпроқ интилишларига сабаб бўлади. Масалан, янги туғилган тойчоқ оёққа ту-



*Турли муаммолар сабаб умид сизликка тушсам, харсангтош устасини кузатар эдим. Уста қўлидаги асбоб билан тошни юз марта урса ҳам тош ўша ҳолатда турар, ҳатто бирор ери дарз кетмас эди. Бир юз биринчи марта зарба берганида тош иккига бўлинниб кетарди. Шунда тушунардимки, тошни парчалаган охирги зарба эмас, ундан аввалги юз зарбадир.*

**Жейкоб Рисс**

ришга ҳаракат қиласы. Күчсиз оёқлари туфайли йиқилади ва яна турасы. Бұзат бир неча бор давом этади. Шундан сүнг, тойчоқ аста-секин юра бошлайды. Кейин чопқир тулпорға айланади. Хүш, агар тойчоқ үша илк күнларидан таслим бўлиб, мақсадидан воз кечса нима бўларди? Бир умр юролмайдиган бўлиб қоларди. Демак, бу ҳаётда муҳими йиқилмаслик эмас, қоқилиб йиқилганидан кейин яна қайта тура олишдир.

*Нафақага чиққан Сандерс аёли билан ҳамма пулуга йўл бўйида ошхона очиб фаолиятларни бошлишибди. Уларнинг ўзига хос таом рецепти бор эди. Бироз вақт ўтгач, үша ҳудудда янги катта йўл қурилибди. Ҳайдовчилар үша йўлдан фойдалана бошлагани учун, ошхонага ҳеч ким кирмай қўйибди. Шундан сүнг Сандерс аёлига: «Қўлимизда шу овқат рецептидан бошқа ҳеч нарса қолмади. Мен ошхонама-ошхона айланиб чиқай. Балки кимгадир бу рецепт ёқса, ҳар сотган таомидан қисман пул олишга келишардим», дебди.*

*Сандерс ошхоналарни бирма-бир айланар ва ҳар бир кирган ошхонани дафтарчага ёзиб борарди. У мингта ошхонага кирган бўлса-да, ижобий натижадан дарак йўқ эди.*

*Сандерс яна давом этади. Бир минг ўн тўқизинчидағи ошхонада таомининг таъми-*

*ни татиб кўришни сўрайди. Сандерс тайёрлаб берган таом ошхона эгасига ёқади ва улар биргаликда иш бошлийдилар.*

*Сандерс бу – KFC логотипида кўрганингиз – кўзойнак таққан чўққисоқол кишидир.*

Ўзингизни Сандерс ўрнида тасаввур қилиб кўринг. Балки унинг ўрнида сиз бўлганингизда, нари борса юзинчи ошхонага борганингизда қўл силтаб, ишингиздан воз кечишингиз мумкин эди. Аммо қариянинг қатъият билан курашиши ва интилиши дунёга машҳур минглаб ресторанларнинг ташкил топишига сабаб бўлди.

*Электр лампасини кашф қилган Томас Эдисондан сўрашибди:*

*– Сиз то лампочкани кашф қилгунингизча 700 та тажрибангиз муваффақиятсиз ўтган экан, шундайми?*

*Эдисон уларга:*

*– Улар муваффақиятсизлик эмас эди. Аксинча, улар муваффақият йўлидаги муҳим қадамлар бўлди, – дебди.*

Кундалик ҳаётда ҳамма инсонлар мұаммоларга дуч келади. Инқирозга учрайди, яқинларидан ажралади ёки бошқа салбий воқеаларни бошидан ўtkазади. Аслида энг мұхими, бундай

ҳолатларда чарчамай, мақсаддан воз кечмай, тик туриб, тұхтатмасдан давом этишдір. Омадсизлик бу – муваффақият үчүн ташланған биринчи, балки әнг мұхим қадамдир. Шу сабабли, салбий натижалар сизни құрқитмаслиги керак. Аксинча, бу сизнинг күчингизга құвват құшиши ва ҳар бир қадамнингизни ёритиб туриши керак. Әнг яхши таълим ҳаётдаги хатоларингиздан ижобий сабоқ олишдір. Қилинған хатолар ва муваффақиятсизликтар сизни үлғайтиради ва тажрибанғыз ортишига ҳисса құшади. Шунинг үчүн хато қилиб, омадсизликка учрашдан құрқманг.



Хулоса қилишга шошилманг. Шунда бошқалардан фарқынгиз бўлади. Ҳаётнинг кичик қийинчилигига қараб, катта ҳаёт ҳақида хулоса чиқаришдан эҳтиёт бўлинг. Хулоса ақлнинг тўхташ босқичидир. Хулоса – қилганингиздан сўнг, ақлингиз фикрлашини тўхтатади, шу сабабли ривожланиши ҳам тўхтайди. Аслида эса, умр йўлидаги сафар ҳеч қачон тугамайди. Бир эшик ёпилса, бошқаси албатта очилади.

*Лао Цзи*

Унутманг, сиз қаршингиздаги тўсиқлардан кейин, албатта, ютуқларга эришасиз ва у сизга осонликча эришилган муваффақиятдан кўра анча қадрлироқ бўлади.



Ҳар бир инсоннинг ҳаётида мусибатли ва оғир синовли кунлар бўлади. Бу худди югуриш марафонидаги йигирма олтинчи километрга ўхшайди. Узоқ масофага, 42 километр бўйича югуришда қатнашувчиларнинг кўпчилиги, йигирма олтинчи километрга келганида чарчаб, маррага интилишдан воз кечади. Агар сиз ўша нуқтани енгиб ўта олсангиз маррага бемалол борасиз. Югуриш мусобақасида иштирокчиларнинг кўпи ўша йигирма олтинчи километрда давом эттиришдан воз кечади. Маррага ким етган бўлса ҳаммаси оғир, қийин, азобли нуқтани енгиб ўтганлар бўлади.

Қадимда боболаримиз узоқ масофани пиёда қандай босиб ўтишганини биласизми? Йўлда жуда чарчашганида, бир оғир тошни қўллари билан елкасида тутиб олиб, шу ҳолатда юришда давом этишар экан. Бир қанча масофа юришгач, тошни ерга ташлаб, йўлда давом этишган, бу билан гўё йўлнинг қолган қисми осон кечган.

Футбол бўйича беш карра жаҳон чемпиони бўлган Бразилияда спортчиларнинг тайёргарлик машғулотлари қаерда ўтишини биласизми? Қумли майдонларда! Нафакат югуриш,

Ҳаёт бизга қоронғи бўлиб кўриниши – қийинчиликларнинг кўплигидан эмас, кучимиз озлигидандир.

*Пьер Корнел*

балки юриш ҳам бир қадар қийин бўлган қумли майдонларда югурib, тўп тепишига ўрганган футболчилар, чимли майдонларда қушдек енгил ҳаракат қилишади.

Қийинчиликлар ҳаётингиздаги муҳим ва қадрли босқичdir. Муаммо ва ташвишлардан хулоса қилишни эпласангиз, қийинчиликлар сиз учун доно муаллим кабидир. Қийинчиликдан хулоса чиқаролмасангиз, у сиз учун доим сизни дўппослайдиган, лекин сиз ҳеч нарса ўрганмайдиган ўқитувчига айланади. Ачинарлиси, сиз ҳар сафар ўша дарсга киришни хоҳламайсиз.

Билимдон бир дурадгор бўлган экан. Унга доим ҳамма нарсадан шикоят қилиб юрадиган йигит шогирд тушибди. Шогирд ҳар қадамда, ҳатто арзимас майда муаммолардан ҳам нолийверар экан. Ҳаёт у учун гўё баҳтсизлик, ташвиш ва муаммолардан иборат эди.

Бир куни дурадгор шогирдини бозорга туз сотиб олиш учун юборибди. Одатдагидек, шогирд бу ишни минғирлаб-тўнғиллаб бажарибди.

Дурадгор туздан бир ҳовуч олиб бир пиёла сувга солиб аралашибди. Кейин шогирдига қараб:

– Энди бу сувни ичинг, – дебди.

Шогирд ҳайрон қолибди. Қандай қилиб бир пиёла туз солинган сувни ичсин? Аммо устозига бўлган ҳурмати учун пиёладаги сувдан бир ҳўплаб қўйибди.

– Ҳўш, мазаси қандай экан? – сўрабди дурадгор.

– Жуда шўр, – дея жавоб берибди шогирд.

Дурадгор жилмайганча шогирдини булоқ бўйига олиб борибди. Бир ҳовуч тузни булоққа ташлаб, шогирдига ундан сув ичишини буюрибди. Шогирд булоқ сувидан чанқоғини қондирганича ичибди.

– Бу сувнинг мазаси қандай? – деб сўрабди дурадгор.

– Жуда ёқимли, – дебди шогирд.

– Тузнинг мазаси келдими? – дебди дурадгор.

– Йўқ, умуман туз таъмини ҳис қилмадим, – дебди шогирд.

Шунда дурадгор шогирдига ҳеч қачон унумтмайдиган сабоқни берибди:

– Ҳаётимиздаги муаммолар тузга ўхшайди. Оз ҳам, кўп ҳам эмас. Ташишилар миқдори ҳар доим бир хил. Фақат уни қабул қила олишини билиш лозим. Муаммо ва қайғулар қаршисида кўнглингни кенг қил. Пиёла бўлишдан воз кеч ва булоқ бўлишга ҳаракат қил. Ана шунда муаммоларинг орқасидан келадиган чиройли натижаларни кўрасан.



Фарзандингиз-  
ни ҳар нарсадан  
асраб-авайлласангиз,  
у оддий қийинчилик-  
ни ҳам енгисига ожиз  
бўлиб қолади.

*Франк Ҳерберт*

Фарзандни қийин-  
чиликлардан қўрқмас,  
матонатли ва чидамли  
қилиб тарбиялаш ота-  
оналарнинг муҳим ва-  
зифаларидан биридир.  
Нима деб ўйлайсиз, бу-  
гунги кунда катта ҳаёт

давомида турли синовлардан ўтиш учун фар-  
зандларда иродали руҳият шакллантириляпти-  
ми?

Биз – болажон халқмиз. Бу билан фахрлана-  
миз. Аслида эса фарзандларимизда иродали  
ва чидамли руҳият шаклланиши йўлида айнан  
шу сифатимиз тўсқинлик қиласи. Болам деб,  
кичикликдан фарзандларимизни қошиқ билан  
ўзимиз овқатлантириб, олийгоҳда ўқишидан то  
ишга киргунича ёрдам бериб, ўй-жойидан то  
уйланишигача таъминлаб берамиз.

Ўйлаб кўринг, балки ривожланган давлатлар-  
да фарзандлардаги ўз-ўзини эплаш кўникмаси  
сабабли улар барча соҳада янада юқорилаб бо-  
раётгандир?

Атрофга қарасангиз, болалигидан қийинчи-  
лик билан улғайган инсонлар бугун ҳаётда юқо-  
ри мавқеда эканлигини кўрасиз. Бошқаларга  
нисбатан эришган ютуқлари кўпроқ уларнинг.

Қадим замонда, бир мамлакат подшоҳи бор экан. Подшоҳ ўғил кўрибди. Ўғлини жуда яхши кўрар экан. Бир куни олимларни йиғиб: «Ўғлим, ҳеч қачон ўзини баҳтсиз ҳис қилмаслиги учун бирор нарса ўйлаб топинг!» деб фармон берибди. Олимлар кўп ўйлаб, ниҳоят, сеҳрли тугмача ихтиро қилишибди. Подшоҳга бориб: «Севимли подшоҳимиз, ўғлингизнинг қорнига бу тугмачани жойлаштирамиз. Ҳар сафар шаҳзодамиз зерикканида, ўзини баҳтсиз ҳис қилса тугмачани соат йўналиши бўйича бурайди. Шунда вақт олдинга ўтиб қолади ва шаҳзода ҳеч қачон баҳтсиз бўлмайди», дейишиди.

Подшоҳ бундан жуда хурсанд бўлибди ва барча олимларни мукофотлабди.

Унинг севимли ўғли, шаҳзода, қачон зерикса, ўзини баҳтсиз ҳис қилса, қорнидаги тугмачани соат йўналиши бўйича айлантирас ва баҳтсизлик нималигини билмасдан яшашда давом этарди.

Халқ қанчадир муддатдан кейин подшоҳнинг ёнида соч-соқоли оппоқ қарияни кўришибди. Атрофдаги одамлар подшоҳдан иззат кўраётган қария кимлигига қизиқишибди. Сўраб-сурештиришганида бир одам дебди: «Бу нуроний қария ҳар зерикканида вақтни олдинга сурувчи шаҳзодамиздир».



Хаётдаги бизнинг ишимиз узоқларда нималар борлигига қараш эмас. Ўзимизда бор имкониятлар билан нималар қила олишимизdir.

*Томас Карлейл*

Ўзингизга ва фарзандингизга яхшилик қилинг. Моддий ҳолатингиз ҳар қанча яхши бўлмасин, фарзандларингиз бирор нарсага эришиш учун меҳнат ва мешақат босқичидан ўтиши кераклиги-ни ўргатинг. «Мен қийналдим, фарзандим қийналмасин», деб уларни авайласангиз, ҳар қанча билим ва тарбия берган бўлсангиз ҳам, катта ҳаёт йўлида ожиз қилиб қўясиз. Ожиз вужудга ҳар қандай касаллик осон юқади.

*Бир машҳур миллионер ўз ўғлига хат ёзар экан, шундай дебди: «Ўғлим, бокснинг яхши томошабини бўлгандан кўра, ёмон боксчи бўлиб рингга туш. Калтак есанг ҳам майли. Муҳими кураш!»*

Ҳаётни кўпинча четдан туриб томоша қиласиз. Умр эса ўтиб бормоқда. Сиз одатланиб қолганингиз бир-бирига ўхшаш кунлар сизга ҳар қанча шинам туйилса ҳам ичкарига, ҳақиқий ҳаётга қадам ташланг. Шундагина турли фурсатлар ва имкониятлар олдингиздан чиқади. Ичингиздаги жасоратни ўйғотинг. Агар виждонли ва инсофли бўлсангиз, энг камида виждонлизлар-

чалик жасур бўлишингиз керак. Ёлғончилар ва муттаҳамлар жасурлик билан яшайдилар. Сиз тўғри инсон бўлиб, нимадан қўрқасиз?

Қўрқув, шубҳа ва хавотирлар атрофингизни ўраган деворлардир. Бу ҳаётда катта ютуқлар ва муваффақиятларга эришишни истасангиз, бу девордан ташқарига, ичида ўзингизни қулай ҳис қилган ҳаётингиздан умрнинг гавжум кўчасига қаранг, шундагина тажрибангиз ортади. Муваффақиятлар томон дадил қадам ташлашга шай турганингизда йўлингизни қўйидаги хаёллар чалғитмасин:

- Бу ишим ўхшамайди.
- Буни қилишга пул йўқ.
- Буни олдин ҳеч ким амалга оширмаган.
- Бунга тайёр эмасман.
- Қанақа бўларкин...

Муваффақият сизнинг олдингизга келмайди. Сиз унинг олдига интилиб, курашиб борасиз. Бу йўл давомида ҳар хил қийинчиликларга учрайсиз. Дуч келинган ҳар қандай қийинчилик сизни ҳаётга янада яқинлаштиради. Минг марта қилинган насиҳатдан битта мусибат афзал, деган гап бежиз эмас.

*Машҳур рус ёзувлчиси Фёдор Достоевский 28*

ёшида Чор Империясига қарши бир үйғилиш ўтказгани учун құлға тушади. У ўлим жазосыга ҳукм қилинади. Тунда уни қамоқ ҳужрасидан олиб чиқиб, күзлари боғлиқ ҳолда ўлим ҳукми бажариладиган жойга олиб келишади.

«Үқ от» деган буйруқ берилишига бир нафас қолганида асл ҳукмни эълон қилишади:

«Тұрт үиллик қамоқ жазоси».

Орадан үиллар ўтиб Стрефан Цвейг дўсти Достоевский ҳақида шундай ёзади:

«Тұрт үилдан сұнг қамоқдан чиққанида, соғлиғи анча ёмоналашганди. Лекин яшашига бўлган завқи жуда катта эди».

Кўзингизни юминг ва Достоевский бошидан ўтказган ўша оғир дақиқаларни тасаввур қилиб кўринг. Балки, ўзингиз учун муаммога айлантирган, катталаштирган оддий, майдада-чўйда ва арзимас ташвишларингизни унтарсиз.

Хитойликлар бамбук дарахтининг уруғини экишади. Уни беш йил давомида ўғит ва сув билан парваришилашади. Нақд беш йил шу ишни қилишади. Бу вақтгача ҳатто кичик новда бўлмаган бамбук олтинчи йилда секин уна бошлайди. Сўнг бир неча ҳафтада йигирма етти метрга етади.

Сиз ҳам вақти келганды, албатта ғалаба, ютуқ ва натижага эришасиз. Бунга ҳамиша ишонинг ва доим қатъият билан интилинг. Унутманг,

муваффақиятга ўзингиз хоҳлаган пайтингизда эмас, синов ва қийинчиликлардан ўтиб, унга муносиб бўлганингизда эришилади. Асосийси, сиз унга етишишингизга ишонинг.

*Қадимда бир бадавлат савдогар бўлиб, унинг катта тижорати ва кўплаб хизматчилари бўлган экан. Кунларнинг бирида савдогарнинг тижорат юклари ортилган карвонга йўлда қароқчилар ҳужум қилиб, карвонини талабди, молларини олиб, карвонбошини ўлдиришибди.*

Савдогар қийин вазиятда қолибди. Қора кунлар келганини ҳис қилиб, узоқларга бош олиб кетибди. Қанчадир йўл юргач, олдидан бир боғчиқибди. Боғнинг эгаси билан танишиб, бошидан ўтган воқеаларни айтиб берибди. Шунда боғ эгаси: «Боғимнинг мана шу қисми сенга. Ўзинг парваришила. Ҳосили ҳам сенга. Йилига бир тонна мева беради», дебди. Савдогар миннатдорчилик билдириб, дарахтларни парваришилай бошлабди. Ҳосил вақти келибди. Бутун боғдаги дарахтлар мева берибди. Лекин айнан савдогарга ажратилган дарахтларда бирорта мева йўқ экан.

Савдогар парваришилаб, ўғит ва сувини канда қилмай боққа яхшилаб қарай бошлабди. Иккинчи йили яна ҳамма дарахтлар мева берса ҳам, унга ажратилган дарахтларда битта

ҳам мева йўқ эди.

Савдогар меҳнат қилишда давом этиб, учинчи йили ҳам боғни парваришилай бошлабди. Шу йили боғнинг унга ажратилган қисми уч тонна мева берибди.

Савдогар боққа, дарахтдаги меваларга қараб, хурсанд бўлиб, боғ эгасига миннатдорчилик билдирибди ва хайрлашибди. Боғ эгаси ажабланиб: «Уч йил меҳнат қилдинг. Меваларни териб олмайсанми?», деб сўраганида, савдогар унга: «Раҳмат, мен керакли тажрибани ўргандим. Энди нима иш қилсам ҳам бароридан келишига ишонаман», дебди.

Умр йўлида ҳатто жарликка йиқилганингизда ҳам, бир кун албатта у чуқурдан чиқишнинг йўли топилади. Туннинг зулматли қисми, тонг отиб қуёш чиқишидан дарактир. Мұхими, матонат билан курашиб, албатта, бунга ишонишингиз керак.

Ҳаётда кучли ва кучсиз инсонларнинг фарқи шундайдир:

Кучли	Кучсиз
Уддалай олишига ишонгган киши	Уддалай олмаслигига ишонгган киши
Янги ғоялар үйлаб топади	Баҳоналар үйлаб топади
Ечимларни санайди	Муаммоларни санайди
Қандай амалга оширишни үйлайди	Нега бажара олмаслигини үйлайди
Тўсиқларни имконият деб қарайди	Имкониятларни тўсиқ деб қарайди
Вазиятларни шакллантиради	Вазиятлар шаклланишини кутади
Пиёланинг тўлган қисмини кўради	Пиёланинг тўлмаган қисмини кўради

«Ҳаётда ташқи омилларнинг таъсири йўқми?», дейишингиз мумкин. Албатта, ҳаётингизда ташқи таъсирларнинг ҳам ўрни бор. Ҳаракатларингиз, интилишларингизни орттириб, ўз қобилият ва иқтидорингизни тўғри тақсимлаб фойдалансангиз, ҳар соҳада ташқи таъсирларга эҳтиёжингиз камая бошлайди. Сизнинг интилишингиз ва ғайратингиз камайгани сари, ҳаракатсиз, режасиз бўлганингиз сари ташқи таъсирларга эҳтиёжингиз кўпая бошлайди.

Ички омиллар	Ташқи омиллар
Шахсиятингиз	Имтиёзлар
Ижобий фикрларингиз	Омад
Ихтирочилигингиз	Таниш-билиш
Матонатингиз	Тасодифлар

- Сизга кимдир, ҳаётингни тўлиқ ўзинг белгилайсан, ташқи таъсирларнинг ҳеч қандай ҳиссаси йўқ, деса ишонманг.
- Яна кимдир сизга, ҳаётда ҳамма нарса фақат тақдирга, тасодифга, омадга боғлиқ, деса унга ҳам ишонманг.
- Сиз ўзингизни денгиз ўртасидаги бир қайиқ деб тасаввур қилинг. Ҳеч қимиirlамай, ҳаракат қилмай тураверсангиз, шамол ва тўлқинлар, яъни ташқи таъсирлар, ҳаётингизни хоҳлаган кўйга солиб, сизни дуч келган томонга судраб кетади. Агарда сиз манзилни тўғри белгилаб, эшкакларни эшиб, қатъият билан ҳаракат қилсангиз албатта соҳилга етасиз.

*Бир қайиқчи эшкакларининг бурига «ишонч» ва иккинчисига «мехнат» деб ёзиб қўйган экан. Кўрганлар ундан бу ёзувнинг маъносини сўраганида, шундай изоҳларкан:*

*– Дарёдан нариги соҳилга ўтишим учун ҳар икки эшкакларга эҳтиёжим бор. Мехнатсиз ишонч билан ёки ишончсиз меҳнат билан ман-*

*зилга етиб бўлмайди. Агар биттасидан фойдалансам бир жойда айланиб туравераман...*

Инсонларни икки гурӯҳга ажратиш мумкин:

- Ҳаёти турли изланишлардан иборат бўлгандар;
- Ҳаёти турли баҳоналардан иборат бўлгандар.

Инсонларга қаранг. Улар орасида, мени ҳеч ким қўлламайди, пулим, танишим йўқ, деб юрганлар борми?

Энг осон иш ҳар нарсага баҳона топишдир. Баҳона атрофдагиларни айблаш қўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Ўз куч-ғайрати билан ҳаракат қилиб, интилишлари билан натижаларга эришганлар озми?

Баҳона – бу кучсизларнинг иши!

Сиз эса ожиз эмассиз! Буни белгиловчи нарса сизнинг интилишларингиздир.

Мен учун ота-онам ҳеч нарса қилмади, қариндошларим мени қўллаб-қувватламади, деган гапларни кўп эшифтансиз. Ота-она ва яқинлар сизга ёрдам беришга мажбур эмас. Сиз ўз ҳаётингизни ўзингиз шакллантириб, ўзингиз эришишингиз керак.

Ён атрофимиизда қоронғиликдан нолиб, ундан

Қоронғиликдан норози бўлиб,  
ундан нолигунча ўзинг бир шам ёқ.

**Конфуций**

норози бўлиб юрувчи одамлар кўп. Менимча, бугунги кунда, сиз фақат шам ёқиб ёритишингиз камлик қиласди. Бошқаларга ҳам шам ёқишни ўргатишингиз керак. Пастдан юқорига чиқаётганда қийинчилликка учрайсиз, бу табиий. Мақсад ва муваффақиятнинг баланд чўққисига эришганингизда ортда қолган қийинчилликларнинг лаззатини ҳис қиласиз. Барча истаган нарсангизга тезда эришмаганингизга, армонларингиз борлигига шукр қилинг. Ҳар истагингиз амалга ошаверганида нима бўларди?

*Илк автомобиллар ишлаб чиқаришини йўлга қўйган завод эгаси Генри Форднинг ўғли, «Фиат» заводлари эгаси Жианни Агнеллининг ўғли бадавлат оиласда дунёга келган. Бу оиласларда фарзандлар учун ҳамма нарса муҳайё қилинганди. Барча имкон ва шароитга эга эдилар. Орзу қилган, хоҳлаган ҳамма нарсаси га эриша олардилар. Шунга қарамай, иккаласи ҳам, биз тенги ёшга келганида, ўз жонига қасд қилишган.*

Сизни ҳаётга, яашашга ундан турувчи нарса бу орзуларингиз, ҳаракатингиз ва интилишингиз оқибатида эришилган натижалардир.

Ҳаётингизни қадрли қилувчи жиҳат эса яашадан мақсадингиздир.

Оғир күнларда сизга йўл кўрсатиб, сизни қўл-лаб-қувватлаган, завқли умр берувчи нарса бу – келажак орзуларингиздир.

Ҳаётингиз билан боғлиқ қарорларингизни енгиллаштирган, сизга инсонийлик сифати берувчи нарса бу – сиз амал қилган қадриятларингиздир.

Барча ҳаракатларингизни натижага олиб боришини таъминлайдиган нарса бу белгилаган мақсадингиз ва хоҳишингиздир.

Булар орасидаги йўлда сизни бардам-бақувват юришингизга мадад берувчи тўртта хусусиятингиз бўлиши керак:

- шахсиятингиз;
- ижобий фикрларингиз;
- ижодкорлигингиз;
- матонатингиз.

*Яхши тилаклар билан,  
ҳамиша омон бўлинг!*



## ХОТИМА

---

Ватанимдан узоқда яшар эканман, мамлакатимизда бўлаётган ҳар бир янгиликларни кузатишга ҳаракат қиласман. Танишлардан, дўстлардан ўзгаришлар ҳақида сўраганимда, мамлакатимиз қурилишлар билан обод бўлаётганини айтишади. Бугунгача кўп давлатларда бўлдим. Мен учун бирор давлатнинг ривожланишини белгиловчи омил бу – кўприклар, баланд бинолар ёки юқори технологиядаги шаҳарлар эмас. Мен мамлакат ривожини болалар ўлимининг камлигига нисбатан белгилайман.

UNICEF халқаро болалар ташкилотининг расмий маълумоти бўйича, 2018 йили республикамиизда беш ёшга тўлмаган болаларнинг ўлими 22 мингдан кўп қайд қилинибди. Шунча норасида болалар вафот этган! Япониянинг ахолиси 126 миллиондан ортиқ. Улардаги бу рақам ҳар йили 2500 нафар экан. Япония ахолиси бизнинг ахолидан тўрт баробар кўп. Бошқа давлатга қарасак, масалан, Жанубий Корея. Ўтган йили 3 мингга яқин беш ёшгача бўлган болалар ўлими қайд қилинган. Биздаги рақам нега очарчиликда яшаётган Африка давлатларидағи каби юқори? Нега?

Раҳбарларнинг, бошқарувдаги инсонларнинг айби дейсизми?

Йўқ, ундаи эмас! Вазиру ҳокимларнинг ҳаммаси Жанубий Кореяга ёки Японияга бориб у давлатни бошқарса ҳам, уларнинг ривожланишини тўхтатолмайди.

Минглаб болаларнинг ўлимига ҳаммамиз масъулмиз. Барчамиз айбормиз. Маст ҳолатда улов бошқарган ҳайдовчи айбдор, пули йўқлиги учун bemорларга қарамаган шифокор айбдор, солиқдан қочувчи савдогар айбдор, истеъмол маҳсулотларини яроқсиз қилиб ишлаб чиқараётган тадбиркор айбдор, чорвасини сунъий семиртирган фермер айбдор, порахўр ходимлар айбдор, ўқувчиларнинг билим олишига эмас, диққатини кийиниш ва интизомига қаратган ўқитувчилар айбдор! Яъни сизу биз, ҳаммамиз айбормиз. Чунки ўз вазифамизни чин дилдан бажармаймиз.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жанубий Корея ва Япония вайрон бўлган эди. Раҳбарлар ўз халқига мурожаат қилиб, давлатнинг ривожланиши учун улардан ёрдам сўраган эди. Бирор киши қолмай, бутун халқ зеб-зийнатидан тортиб, ҳатто никоҳ узугигача топширган экан. Сиздан Ватанимиз ривожи учун маълум муддат ҳозир олаётган маошингизнинг ярмини ҳар ой давлатга ўтказиш сўралса нима қиласиз? Ўйлаб кўринг!

Спортчи бўлсангиз, пул мукофоти ва совғалар берилмаса ҳам Ватан шаънини кўтариш учун фидокорлик қила оласизми? Бир кун сизга кўчаларни супуриш топширилса, астойдил ҳалқим учун, Ватан учун деб шу ишни бажара оласизми?

Бошқалар масъулиятли бўлганда, бошқалар инсофли бўлганда, бошқалар ҳалол бўлганда эмас, ҳар бир инсон, мен ва сиз, ўзимиз шахсан бу сифатларга эга бўлишга интилганимизда ва бўлганимизда ривожланамиз...

Ўзимизни, инсонларни, табиатни, Ватанимизни қадрлайлик!

*17 сентябрь, 2019 йил.*



## Санжар ИКРАМОВ

1988 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

Учтепа туманидаги 283-мактабни тугатгач, 2003 – 2006 йилларда Тошкент тумани Ижтимоий-иктисодиёт колледжининг «Банк иши» йўналишида таҳсил олган.

2011 йилда Абдулла Қодирий номидаги ТДМИнинг «Кутубхона-ахборотлаштириш фаолиятини бошқариш» факультетини битирган.

2005 йилда ўтказилган «Келажак Овози» кўрик-танловининг «Ижтимоий лойиҳалар ва

Бизнес режа» йўналиши бўйича Республика ғолиблигини қўлга киритган.

2003 – 2006 йиллар давомида «Қизил Ярим Ой» жамияти фаол кўнгиллиси бўлган.

2005 – 2006 йилларда «Камолот» ЁИҲ семинар-тренингларида тренер сифатида фаолият юритган.

Айни пайтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

P.S.: Фикр ва муроҳазалар учун:  
[sanjarkhoj@gmail.com](mailto:sanjarkhoj@gmail.com)

Оммабоп нашр

**САНЖАР ХҮЖА  
ҚАДАМ**

Мұхаррір  
Маъмурға ҚҰТЛИЕВА

Бадий мұхаррір  
Хакан ДЕМИР

Рассом  
Фарук АРСЛАН

Саҳифаловчи  
Нигора УМАРҚУЛОВА

Техник мұхаррір  
Ҳилола АЪЗАМОВА

«Ёш күч» нашриёти  
Тошкент шаҳри, Содиқов-13  
Лицензия рақами AI № 001. 20.07.2018 да берилган.

Босишга 19.12.2019 да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 4,5. Шартли босма тобоғи 7,56.  
Гарнитура «Calibri». Офсет қофоз.  
Адади 1000 нұсха. Буюртма № 33  
Баҳоси келишилган нархда.

«Yosh kuch press» МЧЖ да чоп этилди.  
Тошкент, Шайхонтохур тумани, Ипакчи күчаси, 258-үй.  
**Мурожаат учун телефонлар:**  
Нашр бўлими: (98) 360-11-50; (94) 647-32-33

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

---

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

---